O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

Миллий Тикланишт
MILLIY TIKLANISH

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2008 йил 26 МАРТ
13 (450)-сон
Чоршанба

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Шу йилнинг 25 март куни Термиз шаҳрида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Сурхон воҳаси, унинг фидойи меҳнаткашлари ўз юртини янада обод қилиш ва тараққий топтиришда ҳеч кимдан кам бўлмасдан, балки баъзи бир жараёнларда бошқаларга ибрат бўлиб келаётгани барчамизга катта мамнуният бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари аввало Сурхондарё вилояти кейинги йиллар мобайнида эришган ижтимоий-иқтисодий натижалар ҳақида тўхталиб, 2007 йил якунига кўра, бу ерда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7 фоизга ўсгани, жумладан, саноат маҳсулотлари 10,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2,3 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 9,4 фоизга ошганини таъкидлади.

Маълумки, бугунги кунда юртимиздаги ҳар қайси ҳудуд ва минтақа ривожида хорижий инвесторлар билан самарали ҳамкорлик қилиш, иқтисодиётга чет эл сармояларини фаол жалб этиш энг муҳим ва устувор аҳамият касб этмоқда.

Айни Сурхон воҳасида ана шундай масалани қўйишга барча асослар борлигини ҳаммамиз яхши англаймиз, деди Ислом Каримов. Аввалгамбор, Сурхондарё вилоятида ноёб табиий бойликларнинг улкан захиралари мавжудлиги уларни ўзлаштириш ва эл-юртимиз манфаати йўлида ишлатишга ундайди.

Айниқса, халқимиз бунёдкорлик қудратининг яна бир амалий намоёни бўлган йирик коммуникация иншооти – Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг ишга туширилиши бу борада янги-янги имкониятлар ва уфқлар очганини ўзимизга тасаввур қилиш қийин эмас.

Бугун шуни алоҳида мамнуният билан айтиш мумкинки, Шеробод туманидаги Бешбулоқ конида аниқланган 150 миллион тонна миқдоридаги хомашё захираси асосида салкам 300 миллион долларлик тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жорий қилиш ҳисобига юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Шу мақсадда жанубий кореялик ҳамкорларимиз билан биргаликда қўшма корхона ташкил этилди.

2010 йилда ишга тушириш мўлжалланаётган бу заводнинг ўзида мингдан зиёд янги иш ўрни очилишини инобатга оладиган бўлсак, унинг вилоят учун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам қандай муҳим аҳамиятга эга экани аён бўлади.

Айни вақтда яна бир истиқболли лойиҳа – катта миқдорда полиметалл захираларига эга бўлган Сариосиё туманидаги Хонжиза конида ҳам ана шу бойликларни ўзлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили шу мақсадда 4 миллиард 400 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланганининг ўзиёқ бажарилган ишлар ҳажмидан далолат беради. Шунингдек, Бойсун ва бошқа ҳудудларда жойлашган ер ости бойликларини ўзлаштириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятда саноат соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритганда, ўтган йили бу ерда 15 та, жумладан, қурилиш материаллари саноатини модернизация қилиш ҳисобига 6 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Шундан сўнг Ислом Каримов мажлис аҳли эътиборини вилоят иқтисодиётида етакчи тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида кейинги йилларда муайян натижаларга эришилаётганига қаратди. Айниқса, пахтачилик ва ғаллачилик бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишида ҳудудда фаолият кўрсатаётган 14 минг 400 та фермер хўжалиги ҳал қилувчи куч сифатида ўзини намоён этаётгани таъкидланди.

Ўтган йили 2004 йилга нисбатан сабзавот 1,5 баробар, картошка 1,2 баробар, мева ва узум эса қарийб 2 баробар кўп етиштирилгани, албатта, сурхондарёлик соҳибкорларнинг самарали меҳнати натижасидир.

Вилоятда қурилиш ва ободончилик, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар бажарилмоқда. Масалан, 2005-2007 йиллар давомида асосан қишлоқ жойларда 1 миллион 650 минг квадрат метр уй-жой барпо этилиб, 490 километрдан ортиқ табиий газ, салкам 700 километр ичимлик суви тармоғи тортилгани ҳам ана шу ишларнинг ҳажми ва кўламини кўрсатади.

Бу ерда ўтган йили 9 мингдан зиёд ўқувчига мўлжалланган 15 та касб-ҳунар коллежи, 16 мингдан ортиқ ўқувчи таълим оладиган 51 та мактаб фойдаланишга топширилгани, ҳеч шубҳасиз, ёш авлодимизнинг замонавий асосда таълим-тарбия олиши учун катта имкониятлар яратмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун Сурхондарё вилоятининг қиёфаси ўзгариб, кўплаб соҳаларда даврнинг ўзи талаб этаётган янгиланиш ва ўзгаришларни амалга ошириш йўлида сезиларли ишлар қилинаётганини кўриш-кузатиш мумкин. Лекин вилоятда вужудга келган умумий аҳволни таҳлил қилиб, холисона баҳо берадиган бўлсак, бу ердаги ислоҳотларнинг бориши, ривожланиш суръатлари барчамизни қониқтирмаслиги табиийдир, деди Юртбошимиз ва мажлис иштирокчилари эътиборини қуйидаги масалаларга қаратди.

Мисол учун, саноат соҳасидаги аҳволни оладиган бўлсак, кўпгина жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бу соҳадаги ислоҳотларнинг асосий шарти ва мезони бўлган таркибий ўзгаришлар жараёни изчил амалга оширилмаётгани туфайли саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши охирги йилларда ўсмасдан, бир ҳолатда қолиб келмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, вилоят учун ўта муҳим бўлган, хомашёни қайта ишлашга қаратилган ишлаб чиқариш соҳалари, хусусан, енгил саноат корхоналарини ривожлантириш масаласида ўзгариш сезилмаётганини қайд этиш лозим.

Биргина мисол. Аксарият вилоятларда пилла-ни қайта ишлаш масаласи тўлиқ ҳал этилган бир пайтда Сурхон воҳасида етиштирилаётган 1200 тонна пилла хомашёси умуман қайта ишланмаётганига нима деса бўлади?

Фақат хомашё етиштириш ҳисобидан иқтисодиётни ривожлантириб бўлмаслиги, бундай ёндашув бугунги кунда бизга умуман тўғри келмаслигини кимгадир исботлаб, тушунтириб ўтиришга ҳожат борми?

Президент яна бир муҳим масала – Сурхондарё вилоятида хусусийлаштириш жараёнлари бўйича белгиланган режа ва дастурлар тўлиқ бажарилмаётгани ҳақида ҳам тўхталиб, қуйидаги фикрларни баён қилди.

Мулк эгаларининг хусусийлаштирилган корхоналарни замон талаблари асосида қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, шу тариқа ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрмаётгани бу соҳадаги ишлар хўжакўрсин учун, номигагина бўлмоқда, деб айтишга асос беради.

Текширишлар натижасида илгари хусусийлаштирилган 265 та корхонадан 25 таси тўла қувват билан ишламаётгани, 13 та корхона эса мутлақо фаолият юритмаётгани аниқланди.

Сурхондарёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам талаб даражасида ривожланмаяпти. Буни биргина рақам, яъни 2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 580 тага ошгани ҳолда, уларнинг саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши 20,5 фоиздан 16,7 фоизга тушиб қолгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Бундай нохуш ҳолатнинг асосий сабаби шундаки, вилоятда ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисми асосан савдо-сотиқ билан шуғулланмоқда. Улар орасида маҳаллий хомашё асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар сони бармоқ билан санарлидир.

Вилоятга ташқаридан олиб келинадиган бутловчи қисм ва материалларни шу ернинг ўзида кичик корхоналар ташкил этиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун маҳаллийлаштириш дастурида 2004-2007 йиллар давомида бир қанча лойиҳаларни имтиёзли асосда амалга ошириш белгиланган эди. Минг афсуски, ана шундай эътибор ва имтиёзга қарамай, бу лойиҳалардан биронтаси ҳам жорий этилмаган. Бундай аҳвол аввало Бандихон, Қизириқ, Қумқўрғон, Музработ, Сариосиё, Узун ва Шеробод туманларида мавжуд эканини қайд этиш зарур.

Вилоятда яна бир муҳим йўналиш — хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишда ҳам оқсоқлик кўзга ташланмоқда.

Мисол учун, 2007 йилга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида вилоятда 2 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, улар бўйича кўзда тутилган маблағнинг атиги 7,6 фоизи ўзлаштирилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади – бугунги кунда юртимизга чет эл инвестицияларини, замонавий технологияларни олиб келмасдан туриб, ҳеч қандай ривожланишга эришиб бўлмайди. Агар кимки бошқача ўйласа, хато қилади, деди давлатимиз раҳбари.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Т.И.Жўраевни Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Туробжон Икромович Жўраев Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов

Тошкент шаҳри,
2008 йил 25 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А.Х.Эшмуротовни Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Абдулҳаким Хушбоқович Эшмуротов Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов

Тошкент шаҳри,
2008 йил 25 март

Бухоро шаҳрида "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" фестивали бўлиб ўтди.

АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАР КЎРИГИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ёшларимизда миллий урф-одатлар ва қадриятларга ҳурмат ҳамда садоқат туйғуларини кучайтиришдан иборат.

Фестивалда барча шаҳар ва туманлар жамоалари миллий либослардаги чиқишлар, Наврўз дастурхонини тузаш, улуғ аждодлар сиймоси ва сийратини саҳнада талқин этиш ҳамда миллий қўшиқчилик борасида ўзаро куч синашди.

— Фестиваль маҳаллаларда, жойларда ёшлар ўртасида миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни тарғиб қилиш йўлида амалга ошираётган ишларимизнинг ўзига хос кўриги бўлди, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти бўлими кенгаши ходими Адолат Акрамова. — Белгиланган йўналишлар бўйича Ғиждувон, Бухоро, Қоровулбозор, Қоракўл, Когон туманлари вакиллари пешқадамлик қилди.

Э. ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.

КЎНГИЛЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Азал-азалдан Наврўз қадим анъаналарга ҳамоҳанг эканлиги билан қадрлидир. Байрам кунларида кишилар бир-бирларини йўқлайди, гина-кудуратлар унутилади, кўнгли ярим инсонлардан хабар олинади. Шунинг учун ҳам Наврўз меҳр-оқибат, мурувват, саховат айёми дея эътироф этилади.

Наврўз куни шундай хайрли тадбирлардан бири Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтди. Фермер Ўткир Маҳмудов ва тадбиркор Гулчеҳра Маҳмудова томонидан кам таъминланган оилаларнинг 221 нафар фарзандларига суннат тўйи ўтказиб берилди. Шу билан бирга, 6-, 12-, 15-мактабларда байрам тадбири ташкил этилиб, ҳар бир мактабдан 300-400 нафар кам таъминланган ўқувчиларга устки кийим-бош ва пойабзаллар тарқатилди.

Саховатпеша фермер ва тадбиркорнинг эзгу ишлари қутлуғ айём кунларида кўплаб кўнгилларга қувонч бахш этди. Қувончлиси, саховат тадбирларини ҳар йили Наврўз байрамида ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Зеро, меҳрга муҳтож кўнгилларни обод қилиш амалларнинг энг хайрлисидир.

Зумрад ВАҲОБОВА.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ЎзМТДП тадбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Муқимий номидаги мусиқали драма театри билан ҳамкорликда кеча уюштирди. "Миллий қадриятларимиз эъзозда" дея номланган маънавий-маърифий тадбир Наврўз байрамига бағишланди.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗДА

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шарифа Салимова, Мунира Қориева, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ахборот-матбуот маркази раҳбари Ҳанифа Зокирова иштирок этди.

Театр жамоасидаги эл ардоқлаган санъаткорларга ЎзМТДП Марказий кенгаши номидан эсдалик совғалари берилди. Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматова сўзга чиқиб, йиғилганларни Наврўз байрами билан қутлади. Дошқозондаги сумалак қарияларнинг дуоси билан очилиб, дастурхонга тортилди. Байрам катта шодиёнага уланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мунира Қориева сўзга чиқиб, "Шу маҳаллада катта бўлганман. Бу ерда ишлайдиган актёр ва актрисаларни кўриб, уларга ҳавас қилардим", — дея йиғилганларни шодиёна билан қутлади. Тадбирда куй-қўшиқлар янграб, мазмунли ўтди.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.
Азамат АҲМАД олган сурат.

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ёшлар йили мамлакатимиз ёшлари ҳаётида муҳим воқеалар ва ўзгаришларга бой бўлиши кутилмоқда. Жорий йилнинг бундай номланиши ёш авлод вакилларини руҳлантириб юборди.

Буни туманимиздаги ўқувчи-талабаларнинг шижоати, янги-янги ташаббуслар билан чиқаётганликларидан ҳам сезиш қийин эмас. ЎзМТДП «Ёшлар қаноти»нинг фаоллари ҳам бу жараёндан четда қолаётгани йўқ. Йил бошиданоқ масъулиятни ҳис қилиб, янгиликлар қилишга ўзларини бурчли сезишмоқда.

Туман ўқувчилар ижодиёт маркази билан ҳамкорликда ёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбатида ҳам шу ҳақда сўз борди. Тадбирда туман ФҲДЁ бўлими мудири Хонумой Насимова, «Қизлар клуби» услубчиси Маҳфират Рофиевалар сўз олиб, бажарилиши керак бўлган ишлар юзасидан тузилган режа ва таклифларини айтишди. Саломатлик маркази ходими Маъмура Султонова эса қизларнинг шахсий гигиенаси, турмушга тайёргарлиги, тиббий кўрик масалалари ҳақида гапирди.

ЎзМТДП туман кенгашларида

Давра суҳбатида иштирок этган 5-, 21-, 38-, 60-умумий ўрта таълим мактабларининг «Қизлар клуби» фаоллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди ва фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлашди. Баҳс-мунозараларга бой мулоқот мазмунли ўтди. Бундай тадбирларни ўқув масканлари ва маҳаллаларда ҳам ташкиллаштиришга келишиб олинди.

Раҳимжон НАИМОВ,
ЎзМТДП Самарқанд туман кенгаши раиси.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан "Глобаллашув жараёнида миллий қадриятлар ва ёшлар" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Юнусобод туман кенгаши ва Тошкент Ахборот-технологиялар университети ҳамкорлигида "Наврўз — яшариш байрами" мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши "Юксак парвоз" нодавлат нотижорат ташкилоти Ёшлар маркази билан биргаликда "Хуш келдинг, Наврўз" мавзуида тадбир ўтказди.

* * *

Партиянинг Ховос туман кенгаши ташаббуси билан "Кўклам билан кўркамдир олам" мавзуида байрам тадбири бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши ва шаҳар Маданият уйи ҳамкорлигида "Хуш келдинг, Наврўзи олам" мавзуида тадбир уюштирилди.

* * *

Партиянинг Мирзаобод туман кенгаши томонидан "Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним" мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Собир Раҳимов туман кенгаши ташаббуси билан "Наврўз — яшариш фасли" мавзуида учрашув ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилояти кенгаши томонидан "Зулфияхоним издошлари" мавзуида адабий-бадиий кеча ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Газетамизга «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Давоми. Боши 1-бетда

Албатта, бутун дунёда сармоядор бирон жойга ўзидан-ўзи кириб келмайди. Бунинг учун уларнинг кўнглини топиш, керак бўлса, ортидан юриш-югуриш, мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳитнинг моҳияти ва аҳамиятини, афзаллигини тушунтириш, энг асосийси, уларни ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга қизиқтира билиш, зарур шароитни ташкил этиб, йўлини очиб бериш керак.

Мамлакатимизда бу масала бўйича барча муаммолар ечилиб, кенг ҳуқуқий замин яратиб берилганига қарамасдан, Сурхондарёдаги раҳбар ва мутасаддилар бу ўта муҳим масалада ҳали-бери лоқайдлик ва бепарволикка берилиб келмоқда.

Табиийки, иқтисодиёт соҳасидаги бундай камчиликлар вилоятнинг молиявий аҳволига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Буни бугунги кунда 15 та туман ва шаҳардан 13 таси дотацияда қолиб келаётгани, айниқса, Бандихон ва Олтинсой, Бойсун ва Шеробод, Сариосиё ва Қизириқ туманларида дотация даражаси юқори экани ҳам тасдиқлайди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги самарадорлигиҳи кучайтириш ва шу асосда халқимизнинг ҳаёт фаровонлигини юксалтириш бутун юртимиз қатори Сурхондарё вилоятидаги суғориладиган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ернинг тупроқ унумдорлигини ошириш билан бевосита боғлиқ экани ҳақида фикр юритар экан, Юртбошимиз бугунги кунда вилоят бўйича суғориладиган ерларнинг 48 фоизи турли даражада шўрланганги, жумладан, 51 минг гектар ёки деҳқончилик қилинадиган ерларнинг 16 фоизи ўртача ва кучли даражада шўрланганига эътиборни қаратди.

2008-2012 йилларга мўлжалланган давлат мелиорация дастурига кўра, вилоятда 30 миллиард сўмлик, хусусан, биргина жорий йилнинг ўзида 5 миллиард 400 миллион сўмлик мелиорация тадбирлари амалга оширилади. Шу мақсадда йил охиригача Сурхон воҳасига 24 та замонавий мелиорация техникаси олиб келиш кўзда тутилмоқда, деди Ислом Каримов ушбу муаммони ҳал этиш бўйича кўрилаётган амалий чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб.

Маълумки, вилоят ҳудудида Осиё тараққиёт банки иштирокида Аму-Занг машина каналини реконструкция қилиш бўйича умумий қиймати 112,6 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, Ангор, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Музработ ва Термиз туманларидаги деҳқончилик қилинадиган 100 минг гектар ер майдонининг суғориш таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш имкони туғилади.

Албатта, қишлоқ хўжалиги тараққиёти билан боғлиқ бундай долзарб масалаларни ечишда ҳукуматимиз, марказий идоралар Сурхондарё вилоятига доимо ёрдам бериб келган ва бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдам беради. Лекин бу ерда раҳбар бўлиб, етакчи бўлиб ўтирган шахслар ҳам ушбу соҳани ривожлантириш, шу орқали деҳқон ва фермерларнинг даромадини ошириш учун бор имкониятларини ишга солиши керак. Таассуфки, ҳозирча бундай интилиш ва амалий ҳаракатларни кўрмаяпмиз.

Масалан, пахтачиликни олайлик. Бу соҳада ишни тўғри ташкил этолмаслик, ғўза парваришидаги асосий агротехник тадбирларнинг сифатсиз бажарилиши, замонавий технологияларга риоя қилмаслик натижасида етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари чўзилиб, тола сифати пасайиб кетмоқда.

Ана шундай хато ва камчиликлар туфайли ўтган йили Қизириқ (83,5 фоиз), Ангор (87,1 фоиз), Термиз (92 фоиз), Жарқўрғон (92,8 фоиз) ва Бандихон (94,2 фоиз) туманларида пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмасдан қолиб, деҳқонларимизнинг пешона тери тўкиб қилган меҳнатига яраша даромад ололмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Мажлисда воҳанинг тупроқ ва иқлим шароитига мос, янги ва истиқболли ғўза навларини яратиш билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича таҳлил этилиб, вилоятда бу борада ҳам етарли иш олиб борилмаётгани афсус билан қайд этилди.

Биргина мисол, "Термиз-31" ингичка толали ғўза навининг вегетация даври 135-145 кунни ташкил этади, унинг толаси 1-тип эмас, 3-тип бўлса ҳам, вилоят ва туман раҳбарлари 1995 йилдан буён ушбу навни экишни сўраб мурожаат қилади.

Бугунги кунда шуни аниқ ва очиқ айтишимиз керак – Сурхондарё заминига мос келадиган, сифатли ҳосил ва эртапишар, сифатли тола берадиган, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган навларни яратиш масаласи муаммо бўлиб қолмоқда.

Саховатли Сурхон тупроғи беқиёс имкониятларга эга экани, деҳқончилик илмининг ҳақиқий усталари айнан шу ерда меҳнат қилиши барчамизга яхши маълум. Бу заминда ўсмайдиган экиннинг ўзи йўқ, десак, муболаға бўлмайди, деди Юртбошимиз.

2007 йили вилоятда 350 минг тонна сабзавот, 76 минг тонна мева, 94 минг тонна узум етиштирилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Аммо бу маҳсулотларни қайта ишлаш, энг муҳими, шу орқали янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш масаласи қандай ҳал қилиняпти, деган саволга, афсуски, ижобий жавоб бериш қийин.

Воҳанинг Ангор, Бандихон, Бойсун, Қизириқ, Музработ ва Шеробод туманларида мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича биронта корхона ташкил этилмаганини раҳбар ва мутасаддилар қандай изоҳлайди?

Бу масалада на маҳаллий ҳокимият, на тегишли вазирлик ва корхоналар раҳбарлари ташаббус ва жонкуярлик кўрсатмаяпти.

Сурхондарё вилоятида сердаромад тармоқ бўлган чорвачиликни ривожлантириш учун мавжуд катта имкониятлардан ҳам тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Маълумки, чорвачилик оғир ва мураккаб соҳа бўлиб, чорва молларининг бошини кўпайтириш, уларнинг наслини яхшилаш, касалликлардан ҳимоя қилиш замонавий ветеринария хизматини талаб этади.

Лекин бугунги кунда вилоятдаги мавжуд 255 та зооветеринария шохобчасининг 230 таси замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланмаганини, уларда малакали мутахассислар етишмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борадаги аҳволни албатта қониқарли деб бўлмайди.

Президентимиз ўз нутқида Сурхондарё вилоятида долзарб аҳамиятга эга бўлган ижтимоий масалаларни ечиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш, хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, кейинги йилларда бу борада бирмунча ишлар қилинганини эътироф этган ҳолда, ҳали ушбу соҳада кўплаб камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги, улар аҳолининг ҳақли эътироз ва норозилигини уйғотаётганини таъкидлади.

Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасини оладиган бўлсак, вилоятдаги 67 та тиббиёт муассасаси капитал реконструкция қилиш ва қайта таъмирлашга муҳтож, уларнинг аксариятидаги муҳандислик тармоқлари талабга жавоб бермайди. Айниқса, Шеробод, Сариосиё ва Қизириқ туманларида аҳолининг касалликка чалиниш даражаси вилоятдаги ўртача кўрсаткичдан юқори экани, айрим шаҳар ва қишлоқларда мутахассис шифокорлар ва махсус тиббий транспорт воситалари етишмаслиги ташвишланарли ҳол.

Биз бугун мамлакатимизни юксалтириш ва янгилаш бўйича улкан ишларни амалга ошираётган эканмиз, бир ҳақиқатни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур: қайси жабҳада бўлмасин — бу иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўладими, ижтимоий соҳа, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш борасидаги энг муҳим йўналишларни изчил давом эттириш бўладими — буларнинг барчасида биз учун инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати энг асосий ва устувор масала бўлиб келмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Бу борада аҳолининг бандлик даражасини ошириш, шу асосда унинг даромадлари ва турмуш фаровонлигини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу масала юртимизда нафақат иқтисодий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда Сурхондарё вилоятида бу борада маълум бир ишлар амалга оширилганини, хусусан, ўтган йили 42 мингдан ортиқ, жумладан, касаначилик ҳисобидан 7 минг 600 та янги иш ўрни яратилганини ижобий баҳолаш керак. Ўтган йил якунига кўра вилоятда расмий ҳисобот бўйича 35 мингдан ортиқ киши ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Лекин ҳаммамиз яхши биламизки, кўпчилик меҳнатга лаёқатли одамлар иш излаб юрган бўлса-да, бандлик хизматлари идораларига расман мурожаат қилмайди. Шунинг учун бу масала бўйича жорий этиб келинаётган мезон ва кўрсаткичларни яна ва яна бир бор аниқлаб олиш зарур.

Шуни айтиш керакки, янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобидан иш жойлари яратиш бўйича Термиз, Музработ, Қизириқ ва Денов туманларида етарли иш олиб борилмаяпти. Шу боис бу ҳудудларда кейинги йилларда ушбу йўналишда яратилган жами иш ўринларининг 5 фоизга ҳам етмагани, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизни ташвишлантиради.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсоннинг, бутун аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг асосий шарти — авваламбор одамларни доимий, барқарор иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат самарадорлигини янада оширишдан иборатдир. Шундагина фуқароларнинг оладиган маошлари ва даромадлари ҳам, ҳаёт даражаси ва сифати ҳам ошади. Бир сўз билан айтганда, бу масалага айнан ана шундай ёндашув бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг яккаю ягона йўлидир.

Мен ўзимнинг кейинги чиқишларимда юртимиздаги касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган йигит-қизларимизни биринчи галда иш билан таъминлаш масаласига қайта-қайта эътибор қаратаётганим бежиз эмас, деди сўзини давом эттириб Ислом Каримов. Нега деганда, биз замонавий касб ва малакага эга бўлган бу ёшларни иқтисодиётимизнинг реал соҳа ва тармоқларида асосий ҳал қилувчи куч сифатида кўрамиз.

Шу кўз билан қараганда, Сурхондарё вилоятида ўтган йили ана шундай ўқув даргоҳларини битирган 15 мингдан ортиқ ўқувчининг 4 минг 520 нафари ёки 30 фоизи иш билан таъминланмагани вилоятдаги мутасадди раҳбарларни безовта қилмайдими?

Бундай аҳволни кескин ўзгартириш учун биринчи галда ишчи кучини кўп талаб этадиган енгил ва озиқ-овқат, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш саноати корхоналарини ташкил этиш юзасидан аниқ ва амалий чора-тадбирлар кўриш лозим. Шу билан бирга, касаначилик, оилавий тадбиркорлик, шахсий чорва хўжалигини ривожлантириш бўйича ҳам ишларни кучайтириш зарур.

Одамларни иш билан банд этиш масаласида аввало аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида янги-янги имкониятлар мавжудлиги ҳаммамизга аён бўлиши керак. Мамлакатимиз бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш тармоғининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 50 фоизга яқин бўлган бир пайтда Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 36 фоизни ташкил этишини нима билан изоҳлаш мумкин?

Шаҳар ва туман ҳокимликлари, тижорат банклари аҳоли бандлигини ошириш учун ўз ишимни очаман деган тадбиркорларга тегишли шарт-шароитларни яратиш, микрокредитлар ажратиш бўйича янада фаол иш олиб боришлари лозим.

Бир сўз билан айтганда, бу масаланинг ижроси маҳаллий ҳокимликлар томонидан кундалик назоратга олиниши, уларнинг доимий эътиборида бўлиши даркор.

Маълумки, ҳар қандай ташкилот, корхона ёки жамоанинг тақдири ва истиқболини юксак малакали, мустақил фикрлайдиган, билимли ва тажрибали кадрлар ҳал қилади. Афсуски, Сурхондарёда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишдек ўта муҳим масалада кейинги пайтда бир қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Сўнгги йилларда вилоят ва маҳаллий бошқарув идоралари раҳбарлари ўз зиммасидаги вазифаларни самарали бажариш, фуқаролар томонидан кўтарилган таклиф ва муаммоларни чуқур ўрганиб, вақтида ечиш ўрнига кўпроқ беғамликка берилиб, шахсий манфаатини ўйлаш билан овора бўлиб юрганини, қанчалик оғир бўлмасин, айтишга мажбурмиз, деди Ислом Каримов шу соҳадаги аҳволга баҳо берар экан.

Ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйгани учун вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж. Холмуродов, ҳоким ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Авлиёқуловнинг эгаллаб турган лавозимидан озод этилгани, ҳокимнинг қурилиш бўйича ўринбосари Х. Рамазонов эса ўз мансаб вазифасини суиистеъмол қилгани учун суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум этилгани ҳам шундан далолат беради.

Вилоят ҳокимлиги томонидан кадрларга нисбатан талабчанлик ва масъулият бўшашиб кетгани ўз навбатида туман ва шаҳар бўғинлари раҳбарларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни кейинги вақтда Термиз шаҳри, Ангор, Қизириқ, Музработ ва Термиз туманлари ҳокимларининг ўз вазифасидан четлатилгани ҳам исботлайди. Ёки бўлмаса, 2004-2007 йиллар мобайнида вилоят ташкилотларининг 22 нафар раҳбари турли камчилик ва қонун бузишларга йўл қўйгани учун ўз вазифасидан бўшатилгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Сурхондарё вилоятида юзага келган бугунги аҳволни ижобий томонга ўзгартириш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, энг муҳими, шу юртда яшаётган аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, турмуш даражасини ошириш учун амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлигини юқорида келтирилган мисоллар яққол кўрсатмоқда.

Барчангизга маълумки, бундан тўрт йил олдин биз Абдулҳаким Эшмуротовга катта ишонч билдириб, уни Сурхондарё вилоятига раҳбар этиб тасдиқланган эдик, деди Президентимиз.

Эътироф этиш керакки, дастлаб иш бошлаган пайтида унда вилоят олдида турган муаммоларни ечиш, ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қандайдир ижобий ҳаракат ва интилишлар кузатилган эди. Афсуски, бундай ҳаракатлар кейинги йилларда унинг фаолиятида ўз давомини топмади. Шуни очиқ айтиш керакки, А. Эшмуротовнинг иш фаолиятида кенг миқёсда фикр юритиш, қарор қабул қилишда масъулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олиш, принципиаллик хусусиятлари етишмади. Ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямасдан ишлаш, ишлатиш кайфияти умуман намоён бўлмади.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳокимнинг талабчанлиги ва қатъияти етарли бўлмаса, у талаб қилиш ўрнига кузатувчи бўлиб турса, бундай вазиятда нафақат унинг бевосита қўл остида ишлайдиган ходимлар, балки жойлардаги раҳбарлар томонидан ҳам ўз вазифасига совуққонлик билан қараш, ўзибўларчиликка берилиб кетиш ҳолатлари кучайиши муқаррар.

Вилоятда кадрлар масаласи билан боғлиқ яна бир ҳолат шундан иборатки, Сурхондарё вилояти бўйича 1996-2007 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини 71 нафар киши битирган бўлса, уларнинг 10 нафари ўз жойига ёки ундан ҳам қуйи лавозимларга ишга тайинланган. Фақат Президент девонининг аралашувидан кейин уларнинг 6 таси истиқболли кадрлар захираси рўйхатига киритилган, холос.

Бундай камчилик ва нуқсонларнинг барчаси вилоят раҳбарининг масъулиятсизлик ва бепарволик кайфиятига берилиб, ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани билан изоҳланади. Ҳолбуки, вилоят миқёсида етакчи лавозимга сайланган шахс унга ишонч билдирган одамларнинг дарду ташвишларини ўз қалбидан, юрагидан ўтказиб, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга бош-қош бўлишга ҳар томонлама қодир бўлиши шарт.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А. Эшмуротов Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири вазифасида ишлаб келаётган Туробжон Жўраев Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Бугун сизлар билан вилоятдаги мавжуд аҳволни атрофлича таҳлил қилиш асосида тегишли хулосаларни чиқаришга, ташкилий масалаларни ечишга тўғри келди. Буларнинг барчаси авваламбор ягона эзгу мақсадга, яъни юртимиз тарихи ва тараққиётида ҳамма вақт ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб келган Сурхондарё воҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, бу ерда яшаётган халқнинг бугунги ва эртанги ҳаётини фаровон қилишга қаратилганини барчамиз яхши англаймиз. Ишончим комилки, заҳматкаш ва бағрикенг, кўпни кўрган Сурхон аҳли бугунги фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб, янги раҳбар билан ҳамжиҳатликда вилоятни равнақ топтириш, уни янада обод қилиш учун белни қаттиқ боғлаб, астойдил меҳнат қилади, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади, деди пировардида Юртбошимиз.

Сессияда сўзга чиққан "Сурхон тонги" газетаси бош муҳаррири Рамазон Ашуров, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати Райҳон Раҳимова, Жарқўрғон туманидаги "Сурхон" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Турсунпўлат Норбоев, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Термиз давлат университети талабаси Азиза Шоймардонова ва бошқалар вилоятда барча соҳа ва тармоқларда ишни Президентимиз нутқида билдирилган танқидий фикрлар, таклиф ва хулосалар асосида ташкил этган ҳолда, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, бор куч ва имкониятларни ана шу эзгу мақсад йўлида сафарбар этиш зарурлигини таъкидладилар.

(ЎзА).

ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН БАЙРАМ

Мерос

Наврўз тарихи Ватанимиз ўтмиши билан чамбарчас боғлиқ. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимги Хоразмда у зўр шодиёна тарзида ўтказилган. "Авесто" китобида эътироф этилишича, бу тантана тўрт минг йиллик тарихга эга.

Наврўзни Шарқ халқлари яшариш ва янгиланиш, бахтиёрлик рамзи сифатида ардоқлаб келади. Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Қонуни Масъудий" ва "Ат-Тавҳим", Умар Хайёмнинг "Наврўзнома", Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк" асарларида, Алишер Навоийнинг "Тарихи мулуки ажам", "Садди Искандарий" достонида, Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида бу ҳақда муҳим маълумотлар берилган, уларда ушбу айёмга бағишланган халқ қўшиқларидан намуналар келтирилган.

Наврўзнинг байрам қилиниши хусусида Беруний қаламига мансуб юқорида кўрсатиб ўтилган асарнинг "Сўғдийлар ва хоразмликлар ойларидаги ҳайитлар" бобида янада батафсил таъриф берилган. Шунингдек, Абу Бакр Муҳаммад Ибн Жаъфар Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида ёзилишича, Бухородан 30 километр шимоли-ғарбда жойлашган қадимий Варахша шаҳрида халқ йилнинг охирида йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи куни Наврўз — Янги йил байрамини кутиб олган. Буни "Деҳқонлар Наврўзи" дейишган. Бухоро аҳли йил ҳисобини ўша кундан бошлашган.

Наврўз байрами қадимдан ардоқланиб нишонланган. Уни нишонлаш тартиби ҳар бир жойнинг шароитига қараб турлича бўлган. Агар эътибор берсак, баҳор келиши билан ўтказиладиган бир-бирига ўхшаш анъаналар ҳам анчагина. Халқнинг байрамона ясаниб, маълум бир жойда, яъни сайилгоҳда тўпланиши, хилма-хил таомлар тайёрланиши, мавсумий қўшиқлар айтилиши, турли хил ўйин-кулги, беллашувлар ўтказилиши Наврўзнинг асосий удумлари ҳисобланган. Байрам арафасида ҳовли-жойлар ораста қилиниб, яхши ният билан кўчатлар ўтказилган. Қадимда тантана ўтадиган жой чиройли кашта, гилам ва бошқа нафис матолар билан безатилган. Катта-кичик — ҳамма карнай-сурнай садолари остида байрамни нишонлашган. Шу куни барчанинг эгнида янги либос бўлган, қўлларида баҳор чечаклари, чеҳраларида қувноқлик акс этиб турган. Хонандалар ашулалар айтишган. Болалар ва катталар кўмкўк ўт-ўланлар билан қопланган қирадирлар, тепаликларга, боғ-роғларга, сайилгоҳларга чиқишиб, завқу шавққа тўлишган, ҳордиқ чиқаришган. Кексаларга эса совға-саломлар улашилган, марҳумларни хотирлашган.

Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларида Наврўз тантаналари табиат қўйнидаги сайилгоҳларда, гўзал тоғ ён-бағирларида, қир-адирларда ташкил этилиши натижасида, айниқса, мароқли кечади. Бу улуғ айём куни хотин-қизлар кўклам каби яшаришади. Ўзларига муносиб ва ярашган миллий кийимларда сайилга чиқишади. Байрам шукуҳини тараннум этиш учун сернақш кашталар ва рўмолчалар тайёрлашади. Орзу-умидларини намойиш этиш ниятида матал ва эртаклар айтишади. Айниқса, қизалоқлар ва келинчаклар қошларига ўсма, кўзларига сурма қўйишиб, янада гўзаллашиб кетади. Улар жўшиб лапарлар айтишиб, рақсга тушишиб, бир-бирларининг маҳоратларини синашади.

Наврўзни нишонлаш фақат дам олиш, ҳордиқ чиқариш байрамигина эмас, балки у орқали дўстлик, ёшларда инсонийлик туйғуларини, меҳнат кўникмаларини ҳам шакллантиришга қаратилган ҳаракатдир.

Собиқ тоталитар тузум даврида миллий қадриятларимизга, асрлар оша қадим анъаналаримизни сақлаб келаётган Наврўз байрамини нишонлашга ҳам қаршиликлар бўлди. Уни "эскилик сарқити", "диний байрам" деб камситдилар. Кўҳна байрамимизни қалбларимиздан сиқиб чиқармоқчи бўлдилар.

Аждодларимизнинг бу ажойиб анъанаси мустақиллик шарофати ила янада янгича мазмун касб этиб, уни кенг нишонлашга рухсат берилди. Кўҳна айём бўлган Наврўзи олам мана бир неча йилдирки муносиб нишонланмоқда. Президентимизнинг Қарори билан 21 март санаси дам олиш куни деб эълон қилинди. Наврўз арафасида умумхалқ ҳашарларини ўтказиш анъанага айланди. Шаҳару қишлоқларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини ўтказишга катта эътибор берилаётир. Энг муҳими, миллий қадриятларимизнинг асл ўзаги бўлган бу байрамнинг тикланиши кўпкари-ю, кураш, яна бир қанча халқ ўйинлари, унут бўлаёзган миллий анъаналаримизни ҳам ёдимизга солди.

Наврўзи олам бу йил ҳам аввалгидек ўзининг бутун нафосату тароватти билан қалбларимизга ҳуш кайфият, ҳаётимизга эзгуликларни олиб кирмоқда. Байрам арафасида маҳалладошлар йиғилишиб, сумалак, ҳалим каби миллий таомларимизни тайёрлашади. Лапару ёр-ёрлар дилларга ҳушнудлик бағишлайди. Халқимизнинг бу қадим айёми кўнгилларни яқинлаштирувчи, меҳр-оқибат, дўстлик ришталарини боғловчи, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи эзгу хусусиятлари билан ҳам аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, Наврўз истиқлол шарофати билангина чин маънода ўз қаддини, қадрини тиклади. Халқимизнинг қадимий ва ҳамиша навқирон анъаналари сафидан муносиб ўрин олди. Бу йил ҳам бутун мамлакатимиз миқёсида Наврўзи оламни кенг нишонлашга катта тараддуд кўрилган. Келинг, айём кунларида яқинларимизни йўқлайлик, кексаларнинг дуосини олишга интилайлик, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам қўлини чўзайлик, савоб ишларни қилишга интилайлик, гина-аразлар унут бўлсин! Зеро, Наврўз йилбоши, яхшиликларнинг дебочасидир.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.

Наврўз — баҳор билан ҳамоҳанг бўлиб, ҳар сафар яшариш, тозариш, гуллаш, кўкариш ва ўзгариш фаслини бошлаб беради. Бу ўзгаришлар фақат табиатда эмас, балки инсон оламида ҳам рўй бера бошлайди. Олам ва одам бир-бирига қанчалар боғлиқлигини, бир-бирисиз ўзгара олмаслигини Наврўз намоён этади.

НАВОИЙДА НАВРЎЗ НАФАСИ

Миллий тикланиш манзаралари

Шу кунларда Навоий вилоятида бўлсангиз, одам ва олам ўзгаришларини, баҳорнинг бетакрор манзараларини кўриб кўзлар қувончга тўлади, дилда илҳом қайнайди, юракда шеър тошади, тилга булбул қўнади. Демак, тилга булбул қўндими, сайрамасликнинг иложи йўқ.

Вилоятнинг Зарафшон дарёси бўйида жойлашган Хатирчи, Навбаҳор, Кармана, Қизилтепа туманларида аллақачон дала юмушлари бошлаб юборилган. Дарёнинг ҳар икки соҳили ҳам турфа дарахтларнинг қор мисоли оппоқ гулларига бурканган. Бир сўз билан айтганда, баҳор одамнинг ичига олов ёқади, вужуди билан табиатдаги ўзгаришларни кузата бошлайди. Деҳқоннинг ерга, чўпоннинг чўлга, талабанинг билимга, зиёлининг элига, устознинг шогирдга, қўйингки, одамнинг одамга ва оламга меҳри ошади, ташналиги ортади. Бу меҳр ва ташналик Наврўз нафаси билан уйғунлашиб кетади.

Вилоятнинг асосий шаҳар ва туманлари чўл ҳудудларида жойлашган. Баҳор ана шу бепоён чўлу даштларни ҳам Наврўз нафаси билан тўлдирган. Қаҳратон қишнинг совуғидан қалтираб чиққан чўл баҳорнинг илиқ нафасидан оҳу кўзли келинчакдай чирой очиб, яшил тўн кия бошлаган. Чўлдаги тирик жон борки, кўзи ерда, ердан ризқ излайди, ердан нажот кутади. Ернинг эса умидлари кўкдан, кўкдан тушадиган ҳаёт томчиларидан. Ернинг ҳам, инсоннинг ҳам нажоткори осмон.

Наврўз кунлари бир гуруҳ ижодкорлар Навоий вилоятида бўлиб, меҳнаткашлар, чорвадорлар, ёшлар ва талабалар билан бўлган ижодий учрашувлар, суҳбатларда қатнашдик. Баҳор ва шеър, Наврўз ва қўшиқ бир-бирига уланиб кетди. Ҳамроҳим — таниқли шоир, «Синфдош» журнали бош муҳаррири Азиз Саид билан дастлаб Навбаҳор педагогика коллежида учрашув ўтказдик. Бу кенжа билим юртининг очилганига ҳали бир йил ҳам бўлмабди. Биз эса, биринчи марта учрашувга келган ижодкорлар эканмиз. Ўқув даргоҳида бошланғич таълим, жисмоний тарбия ва спорт, мактабгача тарбия ва оилавий тарбия йўналишлари бўйича 337 нафар талаба таҳсил олаётир. Уларга 37 нафар ўқитувчи устозлик қилаётир.

Тадбирни коллеж директори Муҳаббат Ражабова очди. Қизғин савол-жавоблар руҳида ўтган мулоқот сўнгида ажойиб мушоира бўлди. Мушоирани гўзал шеърлари билан шоир Азиз Саид бошлаб берди. Сўнгра уни тил-адабиёт ўқитувчиси Раъно Файзуллаева ўзининг дилбар шеърлари билан давом эттирди. Раъногон яхши шеърлар ёзиш билан бирга, коллеж қошида ташкил этилган ёш ижодкорлар тўгарагига ҳам раҳбарлик қиларкан. Тўгарак қатнашчиси бўлган талабалар Раҳима Раҳматова, Шоҳида Сайфуллаева шеърий машқларидан намуналар ўқиб бердилар.

Навоий педагогика коллеж атрофини, балки Навоий шаҳрини ҳам кўкаламзорлаштиришда фаол иштирок этибди. Асосан манзарали дарахтлар экишибди. Талабалардан Чарос Ражабова, Мафтуна Ҳалимова, Мунира Халилова ўқиган ижодий машқларида Наврўз, баҳор ва тинчлик мадҳ этилган.

Навоий компьютер технологиялари коллежида бўлган учрашув кўпроқ иқтидор, ақл ва техника мавзуларига бағишланди. Коллеж директори Феруза Идиеванинг айтишича, бу ерда 800 нафар талаба билим олади. Улар орасида компьютер билан боғлиқ қатор кўрик-танловларнинг ғолиблари бор.

Ёшлар йили муносабати билан «Ўзбекистон — ягона уйимиз» мавзуида Хатирчи туманида Навоий вилоят Турк миллий маданият маркази ташаббуси билан ўтказилган тадбир ҳам баҳор байрамига уланиб кетди. Учрашувда айтилган дил сўзлари, янграган қўйқўшиқларда асосан қардошлик, дўстлик ва тинчлик улуғланди. Тадбирда фақат Хатирчи туманида яшаётган турли миллат вакиллари эмас, балки вилоят «Байналмилал маркази» аъзолари ҳам иштирок этди.

Конимех вилоятнинг қадим туманларидан бири. Бу ерда 16 миллат вакиллари аҳил-иноқ ва қонқариндош бўлиб яшаб келади. Улардан миллатлараро дўстликни қадрлашни, асраб-авайлашни ҳар қанча ўрганса арзийди. Тўй-маъракаларда, каттакичик тадбирларда ўзбек билан қозоқни, қорақалпоқ билан татарни, бошқирд билан русни ёки туркманни бир дастурхон атрофида учратиш табиий ҳолга айланган. Конимех иқтисодиёт коллежида бўлиб ўтган Наврўз байрамида миллатлар яна бир бор ўзларининг миллий таомларини намоён этди.

Қизилтепа туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласида ҳам турли миллат вакиллари аҳил-иноқ бўлиб яшаб келади. Маҳаллада бўлиб ўтган байрам тадбирида ҳам халқлар дўстлигига бағишланган шеърлар, куй-қўшиқлар янгради. Қадим Карманадаги Мир Саид Баҳром ёдгорлиги маҳмуа-боғида бўлиб ўтган тантаналар ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Бир томонда кураш мусобақалари, бир томонда ҳунармандлар кўргазмаси намойиш қилинди. Саҳнада республикада хизмат кўрсатган артист, хушовоз хонанда Соҳиб Ниёзов ёқимли овозда куйлаётир.

Байрам иштирокчиларини вилоят ҳокими Баҳриддин Рўзиев самимий табриклади. Навоийда ҳамон Наврўз нафаси кезиб юрибди. Вилоятнинг олис қишлоқлари, овулларидан тортиб, барча хўжаликларида, маҳалла ва кўчаларида байрам шодиёналари ҳануз давом этаётир. Айниқса, байрам кунлари беморлар, етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, кўнгли ярим одамларга мадад бериш, табаррук кексалардан дуо олиш хайрли анъанага айланган. Бу йил ҳам вилоятда ўнлаб, юзлаб ана шундай хайрия тадбирлари беминнат ўтказилаётир. Бундай учрашувларда иштирок этиб, миллатнинг миллий тикланаётганлигини, маънавий юксалаётганини кўриб кўнгиллар тоғдай юксалади. Бу миллий тикланиш ҳам Наврўз каби боқий бўлишини истайсиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида шундай сатрлар бор: «Бугун юртимиздаги барча миллат ва элат вакиллари маҳаллаларда, турар жойларда бу гўзал ва дилбар айёмни ягона оила бўлиб, катта хурсандчилик билан нишонламоқда.

Бу эса Наврўзнинг ҳақиқатан ҳам ноёб ва бетакрор экани, одамзотни фақат эзгулик ва яхшиликка даъват этишини яққол тасдиқлайди».

Ашурали ЖЎРАЕВ.

НИҲОЛЛАР МЕВА БЕРСИН

дейди Андижон туманидаги Завроқ қишлоғида истиқомат қилувчи боғбон Қирғизали Жўрабоев

Яхшидан боғ қолади. Қирғизали ака ўғилларини ёнига олиб худди туянинг ўркачига ўхшаш Отчопар, Қанди, Завроқ адирлари ёнбағирларида мевазор боғлар яратди. Биринчи экилган ниҳоллар нишона кўрсатиб, мева бера бошлади. Наврўз нафаси уфуриб турган шу кунларда боғбоннинг ҳаловати йўқолган. Бир қарасангиз, қўлига қайчи, аррача олиб, дарахтларга шакл бераётган бўлади. Кейин шохшаббаларни йиғиштириб олишни фарзандларига тайинлаб, илгариги йил қўкартириб олган, ўтган йилнинг кузида пайванд қилинган кўчатларни кўчиришга киришади.

— Эллик минг туп бодом, яна шунча шафтоли, қирқ минг туп хурмо, йигирма минг туп гилос, ўн минг туп ўрик кўчатларини тайёр қилиб қўйганман, — дейди боғбон. — Улар ҳар бир ҳовлига кириб борсин, мева берсин, дейман.

Халқимиз дастурхонини сархил мевалар билан тўкин-сочин қилишга баҳолиқудрат ҳисса қўшаётган Қирғизали аканинг ҳаракатчанлиги, ғайратини кўриб, ҳавасингиз келади. Наврўз кунларида ният қилайлик: орамизда шундай кишилар кўпаяверсин!

Шоҳрухбек ОДИЛБЕКОВ.

Наврўз шукуҳи ўлкамиз бўйлаб давом этаётир. Иштихон туманидаги оммавий халқ сайли Митан қўрғонида бошланди. Унда ҳудуддаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари тасарруфидаги бир қатор маҳаллалар аҳолиси, фермерлар иштирок этишди.

ИШТИХОНДА АЙЁМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Миллий қадриятимизнинг бир бўлаги ҳисобланган байрам тантаналари кўтаринки кайфиятда ўтди.

— Ушбу айём нафақат баҳор васфини куйлашга, балки одамлар ўртасида меҳр-оқибатни янада юксалтиришга, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга, боқувчисини йўқотганларга беғараз моддий ёрдам беришга, шунингдек, хайр-саховатни фарз деб билишга ундовчи энг мўътабар байрам ҳамдир, — дейди "Ҳасан-Ҳусан узумлари" МТП раҳбари Абдували Арзиев.

Наврўз шодиёналари кечга яқин туман марказига кўчди. Туман ҳокими Шуҳрат Негматов тадбир қатнашувчиларини табриклади. Байрам тантаналарига "Ҳандалак" гуруҳи ҳамда ёшларнинг севимли хонандаси Анвар Санаев ўзгача файз киритди.

М. ГАФУРОВ.

Либосларда акс этар ўзлик

НЕЧУН АТЛАС КИЙМАЙДИ ҚИЗЛАР

дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси етакчи мутахассиси, шоира Дилором МУРОДОВА

Кўкламнинг илк кунлари. Офтоб чарақлаб турибди. Эгнига атлас кўйлак, бошига ироқи дўппи кийган қиз бесабрлик билан автобус кутарди. Бекатдагилар эса қиздан кўз узишмайди. Ҳатто кексароқ аёл ўриндиқдан туриб унинг ёнига борди.

— Ҳай, қизим, атлас кўйлагу ва дўппи сенга жудаям ярашибди, қутлуғ бўлсин!

— Бугун коллежимизда байрам йиғини бор эди, шунга қатнашиш учун кийгандим, — деди қиз ҳаяжондан шоша-пиша.

— Бўйинангдан ўргулай, доим шу либосларингни эгнингдан ечма, хўпми?

— Хўп, майли.

Автобусга чиқаётган қизга қараб турарканман, унинг "хўп, майли" деган сўзлари ҳеч қулоқларимдан кетмасди...

Кошкийди шундай бўлса! Атлас кўйлакли қизлар кўча-кўйни тўлдириб юришса... Уларнинг ортидан баҳор эргашиб кетаётгандек бўлармиди! Айтишларича, атласнинг гул ва нақшлари қадимдаёқ табиатдаги ранго-ранг манзараларга қараб яратилган экан. Бу мато табиий ипакдан тайёрлангани боис қулай ва кўркам, саломатлик учун ҳам фойдали дейишади шифокорлар.

— Либослар тарихи билан қизиққанимда мен ҳам бунга амин бўлганман, — дейди суҳбатдошим, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси илм-фан, таълим, маданият, диний маърифат ва хотин-қизларнинг маънавий манфаатларини муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси, "Дилором" ўқув маркази директори Дилором Муродова. — Атласдан бошқа сунъий толали газламаларда организмга салбий таъсир кўрсатувчи маълум бир кучланишдаги статик электр майдонлари борлиги аниқланган. Бундай матоларнинг синтетик толалари зарарли моддалар, нефть газлари ва тошкўмирдан олингани учун ҳам улардан кўйлак тикиб кийилса, соғлиққа зиён етказади, тана етарлича "нафас" олмайди, оқибатда кўпгина хасталиклар келиб чиқади. Зиғир, пахта толалари ва ипакдан тайёрланган кийимлар эса аксинча, аёлларимизга кони фойда. Шунингдек, улар қулай, кўркам ва чиройли.

— Дарҳақиқат, атлас кўйлак ва дўппи қизларимиз ҳуснини ўн чандон оширади, уларни кўрган кўзлар қувонади, кўнгиллар яшнайди. Қолаверса, ҳозир атлас матоларнинг замонавий нусхалари, дўппиларнинг янги-янги хиллари кашф қилинаётир. Миллий либослар дизайнини яратишда ўз иқтидорини намойиш этаётган, чет эллардаги халқаро кўрик-танловларда қатнашаётган қизларимиз билан фахрланса арзийди. Хорижликлар бизнинг атлас кўйлагу дўппиларимизга неча асрларки мафтун бўлиб келишмоқда, шундай эмасми? Қадимги ҳунар турларига ҳозирги ёшларимиз сайқал бериб, уларни даврга мос ҳолда қайта тиклаётганликларидан қувонади, киши. "Чевар" деган атама эндиликда кенг маъномазмунга эга, чунки бугунги чеварлар нафақат кийимни бичиб-тикиш, балки унинг гўзал дизайнини яратиш устида ҳам бош қотиришяпти. "Дилором" ўқув марказида ҳунар ўрганаётган қизлар эса чинакам замонавий мутахассислар бўлиб етишишяпти десак ҳам бўлади. Шу ўқув марказини очиш истаги сизда қачон пайдо бўлган? Мустақил ҳаётга қадам қўяётган қизларга ҳунар ўргатишга жазм этишингиз ўз-ўзидан кечмагандир?

Дилором Муродова сўзларимни тинглаётиб бир зум сукут сақлайди. Аслида эзгулик кўнгилдаги ёруғ ниятлардан бошланади. Айни пайтда суҳбатдошим ана шундай ниятларни қачон дилига жо этгани ҳақида ўйлаётгандир? Ахир, ҳар биримизнинг катта ҳаётга қадам ташлашимизга беҳисоб орзу-ўйлар, тинимсиз изланиш ва ҳаракатлар сабаб бўлади-ку. Дилоромнинг болалик дамлари ҳам орзу-умидлар билан тўла эди...

ЎН ИККИ ҚИЗ

Тоғ бағрида суви шифобахш минг кўзли булоқлар қайнаб ётади. Танасига қулоч етмас серсоя дарахтларнинг илдизи бир неча юз метргача чўзилган бўлади. Ҳар баҳорда қайта-қайта очиладиган хушбўй чечаклар ҳиди ён-атрофга таралиб, дилларга ҳузур беради. Уларнинг бариси инсонга қувват ато этади, ҳаётнинг абадийлигига ишонтиради. Юз билан юзлашиб ҳаётдан кетган Нормомо Абдусаттор қизи ҳам худди шундай эди! Ҳикмату мақолларни тилдан қўймайдиган, турмушнинг аччиқ-чучукларини хўп тотган, эл-юртнинг тўй-маъракасида бош-қош бўладиган бу табаррук ёшли момони Жомбой туманининг "Бешбола" маҳалласи аҳли яхши кўрарди. Ўзгача иззатлашарди...

Ҳаммани яхшиликка ундаб юргувчи шу момо ўзининг набираси Дилоромга битта гапни кўп такрорларди. "Қиз боланинг қўли гул бўлса, борган жойини обод қилади, кўп ўқиб, ҳунар ўрган", — дер эди. Маҳалла қизларининг хушмуомала, одобли, ақлли-босиқ бўлишини истаганлари учунми, уларни атрофига йиғиб кўп насиҳат қилардилар. "Кучи кўп бирни енгар, ҳунари кўп мингни енгар, шуни унутманглар", — дерди нуқул. Дилором катта онасининг қистови билан болалигидаёқ чеварликни ўрганиб олди.

Йиллар ўтиб у Тошкентдаги институтни тамомлагач, Самарқанддан Сурхондарёга келин бўлиб узатилганда ва Сариосиё темир-бетон заводида конструкторлик вазифасига ишга тайинланганда ҳам катта онасининг ўгитлари кўнглининг бир чеккасини ёритиб туради. Кейинчалик у ён-атрофдаги қизларни йиғиб кичкина корхона очди. Чеварлик, зардўзлик ҳунарини орзу қилиб юрган қизларни бирлаштириб, ишни бошлади. 12 нафар чеварга бошқа қизлар ҳам ҳавас билан қараб, уларнинг ортидан эргашди.

Орадан ўн тўрт йил вақт ўтди. Бугун Дилором Муродова раҳбарлик қилаётган пойтахтимиздаги ўқув марказида ҳар йили юзлаб қизлар ўндан ортиқ ҳунар турларини ўрганишади.

— Марказда ўқитиш дастурларини тез-тез янгилаб, яхшилаб борамиз, — дейди Дилоромнинг ўзи бу ҳақда. — Кийимлар дизайнини яратиш, элита пардалари тикиш, пазандаликни ўргатиш, компьютер илмининг график ва дизайн йўналишларини ўзлаштириш сингари кўплаб курслар доимий ишлаб турибди. Муҳими, қизларимиз турмушга узатилмасдан илгарироқ бир неча ҳунарларни билишса, катта онам айтганидек "борган жойларини обод қилишса" ва ҳунарлари билан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлишса, бунинг жамият учун ҳам фойдаси катта. Асосий мақсадимиз шу!

Ҳа, ёшларнинг ҳунар ўрганишида хосият кўп. Кексаларимиз "Сепли бўлгандан кўра эпли бўлинг", деб бежизга айтишмаган. Қолаверса, Дилором Муродова айни пайтда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг махсус дастурига кўра маҳаллалар маслаҳатчилари билан ҳамкорликда иш юритиб, қизларнинг бўш вақтларини фойдали меҳнатга сарф этиш, қисқа ҳунар курслари очиб уларга маълум бир йўналиш бўйича сабоқ беришни йўлга қўйган. Бундай эзгу ҳаракатлар ота-оналарни, бобо-бувиларни ҳам қувонтиряпти.

ДЎППИДАГИ ИСЛИМИЙ НАҚШЛАР

Айтишларича, қадимги қабилалардан бирида узоқ вақтлар ҳеч ким касалликка чалинмаган экан. Сабаби, бу жойда кўп



ўсадиган қалампирни аҳоли овқатга қўшиб ер, шунинг учун ҳам эндигина бошланаётган касаллик дарров чекиниб, одамлар ўзини яхши ҳис этаркан. Даврлар ўтиб шу қабила аҳли қалампирни ипга тизиб бўйнига осиб юрадиган бўлибди. Кейинчалик уни янада эъзозлаб бошларига гир айлана ўраб олишибди. Нихоқ куни куёвлар киядиган асл қалампирнусха дўппиларнинг келиб чиқиш тарихини баъзи бировлар ўша замонлар билан боғлашади. Аслида дўппи бошни офату балолардан асрармиш. Тиббиётчи олимларнинг таъкидлашича, бош кийимнинг соғлиқ учун фойдаси беқиёс, чунки бош териси ниҳоятда нозик бўлиб чанг-ғуборлар, ҳаводаги зарарли моддалар унда ўз асоратини қолдираркан.

Икки-уч йиллар аввал Дилоромни "Ёшлар" телеканалидаги бир кўрсатувга таклиф этишди. "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" деб номланган бу теленамойиш орқали у барча қизларга дўппи тикиш ҳунарини ўргатиши зарур эди.

— Ўшанда очиғи, дўппи тикишни ўзим ҳам жуда яхши билмасдим, — дейди Дилором. — Кўрсатув баҳона бу ҳунарни тезда мукаммал ўрганиб олдим. Турли вилоятларга бориб дўппидўз аёлларни қидирдим. Хоразмда бўлганимда машҳур санъаткорлар Тамарахоним ва Мукаррамахонимларга дўппи тиккан кекса аёл билан учраштим. "Шогирдларингиз борми?", — деб сўрадим ундан. "Хоҳлашганида ўргатардим, лекин дўппи тикадиганлар ҳозир жуда камайиб кетган", — деди онахон. Шунда ўйладим, дўппидўз чеварлар тугул, дўппи тикиш техникасини ўргатувчи кўлланмалар ҳам бизда жуда оз экан!

Бундан таъсирланган Дилором янги ишга қўл урди. "Ўзбекистон дўппилари" деб номланган китоб ёзди. Бу қўлланмада юртимиз ҳудудларидаги турли хилдаги дўппиларнинг тарихи, суратлари, бичиш ва тикиш техникаси баён этилган. Дилором Муродованинг айни вақтдаги номзодлик иши мавзуи ҳам миллий ҳунармандчиликнинг қадимги тури ҳисобланган дўппичилик санъатини тарғиб этиш, мазмун-моҳиятини ифодалаб беришдан иборат. Унинг айтишича, бурунги замонларда қизлар, аёллар ўз яқинларига дўппи тикиб совға қилганлар. Бу ноёб тухфанинг ранги ва ислимий нақшлари алоҳида мазмунга эга бўлган. Масалан, дўппидаги қизил гуллар муҳаббатни, жўшқиликни ифодаларкан. Ҳаворанг мусафолик ва осмондай кенгликни, яшил ранг баҳорий кайфиятни, оч бинафша ранглар балоғатни билдираркан. Дўппи нақшларининг айлана бўлиши ер юзи, ҳаётнинг давомийлиги, нуқталар эса қуёшни, ҳаётнинг бошланиши ёки Яратганнинг ягоналиги белгиси экан. Бундай нақшлар ва рангларга қараб тухфа эгаси ўзига билдирилган тилаклар мазмунини англаб оларкан. Демак, дўппи азал-азалдан эзгу истаклар рамзи, ўзгаларга яхшилик соғингувчиларнинг қалбларидаги туйғуларни сўзсиз ифода этадиган ноёб санъат буюми экан!

— Яқинда Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Бадиий академия ҳамкорлигида "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" кўрик-танлови ўтказилди, бу ҳақда гапирмасам бўлмас, — дейди Дилором. — Тадбирда Тошкент педагогика ҳамда Юнус Ражабий номли педагогика коллежлари талаба қизлари беллашдилар. "Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, — деган эди Президентимиз Ислом Каримов, — биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз томирларига қайтиб, ўтмишдаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак". Биз учун бу ҳозир дастур вазифасини ўтамоқда.

Танлов шартларига кўра, дўппилар кўргазмаси ташкил этилиб, унда ўрта асрларда тайёрланган ва бугунги кунда яратилаётган дўппиларнинг нусхалари намойиш қилинди. Ўнлаб турдаги бундай дўппиларнинг кўриниши ҳамда уларни тикиш техникаси бир-биридан фарқ қилади. Залда ўтирган юзлаб қизларнинг ҳаммаси ўша куни атлас кўйлак ва дўппи кийиб олишганини айтмайсизми! Худди баҳор атрофга сеп ёйиб, ўз гўзаллигини кўз-кўзлаётгандек туюлди! Қанийди, шу қизларнинг ҳаммаси дўппи тикиш санъатини эгаллашса. Кейин ўз қўллари билан чиройли нақшли дўппилар тикиб, яқин кишиларига тухфа этишса, деб орзу қилдик. Ахир, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ҳам ёшларни жамиятга фойда келтирадиган ҳунарларга ўргатиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Қолаверса, ҳунармандчилик санъати ўта кўҳна бўлиб, каштачилик, зардўзлик, гиламчилик, нақкошлик, тикувчилик, ганчкорлик ва ўймакорлик сингари дўппичиликнинг ҳам алоҳида ўз ўрни ва аҳамияти борлиги сир эмас. Биз эндиликда бундай кўрик-танловларни юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида ҳам ўтказиш режасини тузаяпмиз.

ИШҚДАЙ ИФОРЛИ, ТОЗА...

Дилоромни шоира сифатида кўпчилик билади. Унинг "Кўнгил шафақлари" ва "Таҳайюл тонги" шеърий китоблари нашр этилган.

— Тасаввур қилинг, қизлар юрагидаги энг гўзал ҳисларини, орзу-умидларини нозик ипаклар билан каштага муҳрлашади. Шунинг учун ҳам сўзана-ю кашталардан кўз узолмай қолади, киши. Негаки, улардаги нақш ва безакларда ғунчалаётган орзулар, энг бокира ўй-хаёллар барқ уриб тургандек бўлади. Худдики, мовий осмонда қуёш чарақлаётгандай, бахмалдек тун осмонида минглаб тилларанг юлдузчалар порлаётгандай, баҳорнинг бор ранглари минг бир тусда товланиб нигоҳларга шуъла сочаётгандай! Кашталардаги сеҳр нимада эканини фаҳмлагандирсиз?! Уларда чеварнинг қалб ҳарорати, бармоқ учларидаги қуввати, кўз нури ва порлоқ туйғулари мужассам!

Дилоромнинг сўзларини тинглаб хаёлга толаман. Миллий ҳунарларимиз бежизга санъат даражасига кўтарилмаган, ахир. Аслида шеър ҳам шундай яралади. Гарчи у шоирнинг қалб кечинмаларини ифодаласа-да, кейин ўз ўқувчисини излаб топади, унинг юрагига завқ-шавқ бахш этади, яқин дўсти ўрнида кўнглини кўтаради, ҳаётга иштиёқ уйғотади, эртанги кунга бўлган умидини, ишончини янада оширади! Шеърнинг куч-қудрати шундаки, умидлари, ишончлари кучайган ўқувчининг ғайрати ҳам тўлиб-тошади, янги кун учун хизматга шайланади, кўнгилдаги эзгулик уруғлари униб, гуркирайди!

Ўкинма, азизим, қара, боғларни,
Гулларга тўлдириб келмоқда баҳор.
Муаттар бўйларда ишқдай ифорли
Сенга тутолмаган соғинчларим бор, —

дея ёзади Дилором бир шеърида. У ўқувчисини қадрлайди, қалбидаги ардоқли туйғуларини тўкиб соларкан, уни руҳлантиргиси, юрагига яқин бўлгиси келади. Гўёки қаршисида жуда азиз ва қадрдон кишиси тургандек... Ўқувчисининг кўзларидаги мунг шоирона иштиробга солади, сўнг ўзи уни юпата бошлайди:

Хаёлларнинг суратини чизиб берайми,
Соғинчларим дил жомига сузиб берайми,
Армонларинг ичра ойдек кезиб юрайми,
Найлай, Сени армонларга бергим келмайди!

Дилором чиройли оиланинг бекаси, фидойи она, ардоқли рафиқа. Бу хонадонда уч фарзанд улғайиб, мустақил ҳаёт сари чоғланишаётир. Акбар — иқтисодчи, Аброр — бўлғуси санъаткор, Дилафрўз университетнинг журналистика факультетини тугаллаш арафасида.

— Ҳаётда илгарилашинг учун ёнингдаги одамнинг қўллаб-қувватлаши жуда зарур бўларкан, — дейди Дилором. — Жамол ака билан институтда бирга ўқиб танишдик, сўнг турмуш қурдик. Ўшандан буён оилада ҳам, ишда ҳам ёнма-ён. Бир-биримизга кўмаклашиб келяпмиз. Агар бу инсон рағбат билдириб, ҳар битта бошлаётган ишимда менга маслаҳат ва мадад бериб турмаганида, балки ниятларимнинг бирортасини амалга оширолмаган бўлармидим?! Эзгу ҳаракатларда ҳамиша кўмакчи бўлаётганликлари учун ҳам умр йўлдошимдан миннатдорман.

Дилоромнинг ўзи таъкидлаганидек, ҳаёт шунчаки яшаш эмас, балки катта масъулият, улкан мажбуриятдир. Кўнгилга жо бўлган истаклар эса эзгу ҳаракатларнинг дебочаси, қолаверса, келажакка илк қадамни белгиловчи бўлиб қолади. Инсон аслида меҳнати билан улуғланади, ҳунари билан жамиятга наф келтиради, одамийлиги билан обрў қозонади ва эл-юрт шаънини юксакка кўтаради. Зеро, ёшларни бир жойга жамлаб, уларга ҳунарларимизни ўргатиш аслида эртанги кунга қўйилажак қадамнинг моҳиятини белгиловчи кафолат. Ташланган қадам залворли бўлса давлат нуфузи ортади, жамият янада равнақ топади, мамлакат гуллаб-яшнайди. Дилором Муродова кўпроқ шунга интилади. Бу эса унинг ҳар бир ҳаракатида сезилиб туради.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

«Миллий тикланиш» газетасининг 1997 йил 2 декабрь сонида атоқли олим Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийнинг 100 йиллиги муносабати билан Омонулла Файзуллаевнинг «Илм ўлимдан кучли» номли мақоласи эълон қилинган эди. Ўтган даврда муаллиф ўзининг шаклан ва мазмунан салмоқли ана шу мақоласи асосида «Қори-Ниёзий» (Тошкент, «Фан», 2007) номли рисоласини яратди.

ЕТМИШ ЙИЛЛИК ТААССУРОТЛАР

Ушбу китобнинг мавзуи, мазмунмоҳияти ва аҳамиятига тўхталишдан олдин, унинг муаллифи ҳақида бир-икки оғиз сўз айтиш мақсадга мувофиқдир. Зотан, Омонулла Файзуллаев, академиклар Восил Қобулов ва Саид Шермуҳамедов таъбири билан айтганда, сукротона фалсафий мушоҳадалар соҳиби, мустақил Ўзбекистон файласуфлари оқсоқоли, комил инсон, серқирра, сербарака файласуф олим ва доно мураббий сифатида наинки юртимиз илмий жамоатчилиги, айни чоғда бутун халқимиз орасида ҳам маълумдир.

Омонулла Файзуллаев — фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти совриндори. Омонулла аканинг бутун илмий, педагогик ва публицистик фаолияти фаншунослик ва инсон маънавий равнақининг назарий масалаларини чамбарчас боғлиқ ҳолда тадқиқ қилишга бағишланган. Атоқли олим 500 дан ортиқ асар муаллифи бўлиб, илмий йўналишлари доираси кенг қамровлидир. У кишининг ташаббуси, бевосита раҳбарлиги ва фаол иштирокида биргина табиатшунослик фалсафаси йўналишига доир 35 дан ортиқ илмий монография тайёрланган ва нашр қилинган. Шунингдек, Қуръоннинг араб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги 10 та нашрида нафс, жон ва руҳ тушунчаларини мантиқий лингвистика жиҳатидан тадқиқ этган.

Домла ёш илмий кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашга ҳам катта эътибор қаратади. Шу кунга қадар устоз раҳбарлигида 11 докторлик ва 12 номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Фанимиз жонкуяри кўплаб республика, минтақа ва халқаро илмий анжуманларда қатнашган. Мамлакатимиздаги, хусусан, Фанлар академияси тизимидаги жамоат ишларининг фаол иштирокчиси. Айни вақтда Ўзбекистон Фанлар академияси Илмий-ўқув маркази «Фалсафа, миллий истиқлол ғояси ва фан методологияси» кафедрасининг профессори сифатида аспирант ва илмий ходимларга фалсафа, миллий истиқлол ғояси ва илмий тадқиқотларнинг энг замонавий методлари бўйича маърузалар ўқимоқда.

Омонулла Файзуллаев ал-Хоразмий, Фаробий, Имом Бухорий, ал-Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби бир қатор буюк аждодларимиз ва мутафаккир олимларимизнинг юбилейларини ўтказишда, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг қутлуғ тўйларини нишонлашда, Ал-Хоразмий, Беруний, шунингдек, Қори-Ниёзий ва М. Ўрозбоев асарларини нашр қилиш ишларида фаол қатнашган. У ўз устози — академик Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийнинг ҳаёти, илмий-педагогик ва ижтимоий фаолияти ҳақида илк бор бундан 40 йил илгари ёзган. Янги мухтасар китобда бундан камида 70 йил илгари, 1937 йилдан бошлаб Қори-Ниёзий қўлида ўқигани, таълим олгани, баъзи китобларини нашр этишда бевосита иштирок этгани ҳақида хотираларини китобхон билан баҳам кўрган.

Омонулла Файзуллаев атоқли олимнинг «Астрономическая школа Улугбека» номи билан 1950 йилда Москвада чоп этилган фундаментал асарини ўзбек тилига таржима қилган бўлиб, ушбу китоб «Улуғбек ва унинг илмий мероси» номи билан 1971 йили Тошкентда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган. Мирзо Улуғбек (1394-1449) ҳаёти ва фаолияти ҳақида дунёда анчагина китоблар ёзилган бўлса-да, лекин Улуғбек бир вақтнинг ўзида шоҳ ва олим бўлгани тўғрисида бир бутун монография ёзиш фақат Қори-Ниёзийга насиб этди. Кези келганда, Қори-Ниёзий коммунистик мафкура якка ҳукмронлиги вақтида буюк аждодларимиз илмий меросини жаҳонда биринчи бўлиб ўрганганлигини, шу жумладан, Улуғбек ҳақида юқорида номи тилга олинган машҳур китобини ёзганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Гарчи ушбу асар буюк фалакиётшунос аждодимизнинг илмий меросига бағишланган бўлса ҳам, ўша даврда китобга ёзилган тақризларда қайд этилганидек, ўтмиш маданиятимизнинг улкан билимдони Қори-Ниёзий унда қадим Ўзбекистон халқларининг фани ва ма-

Олим тўғрисида янги асар

данияти, Улуғбекдан олдин ўтган ўрта осиёлик астрономларнинг фаолиятини илмий асосда чуқур таҳлил этади. Китобни ўқир эканмиз, Улуғбек давридаги Самарқанд, у ердаги илмий муҳит, қизғин тадқиқотлар кўз олдимизда яққол намоён бўлади.

Академик В. В. Бартольднинг китобда келтирилган: «Улуғбекка қадар мусулмон оламида тахтга ўтирган олим бўлмаган, шу жиҳатдан олганда мусулмон муаллифлари Улуғбекни фақат Аристотелнинг шоҳ бўлган шогирди (яъни, Искандар) билангина таққослай олишлари мумкин эди», деган муҳим фикрини таҳлил этар экан, О. Файзуллаев «барибир, Искандар Зулқарнайн олим бўлмаган ва масалан, Оврўподаги подшоҳлар олим бўлмаган», дея ўз ёндашувини дадил баён этади. Шу билан бирга, олимнинг қайд этишича, Қори-Ниёзий дунёда олим-подшоҳларни қидириб, бир шахсни топган ва бу ҳақдаги мақоласи Москвада чоп этилган. У ҳам бўлса, Улуғбекдан 300 йил кейин яшаб ўтган ҳиндистонлик подшоҳ Савой Жай Синх (1686-1743) экан.

Устоз асарини таржима қилиш асносида, Омонулла Файзуллаев китобни янги материаллар билан бойитишга ҳам эътибор қаратган. Унда кўплаб нодир расмлар, астрономик жадваллар келтирилган. Ушбу китоб Қори-Ниёзийнинг математика, астрономия, фанимиз ва маданиятимиз тарихига оид 8 жилдлик илмий асарлари сайланмасидан жой олган. Қори-Ниёзийнинг «Фан» нашриётида 1967-70 йилларда чоп этилган ушбу сайланма асарларининг 1-жилдида — аналитик геометрия, 2-3-жилдларида — асосий математик анализ курси, 4-жилдда — дифференциал тенгламалар, 5-жилдда — маданият ва фан ривожи, 6-жилдда — Улуғбек илмий мероси, 7-жилдда — нуроний олимнинг хотиралар ҳақида тафаккури, 8-жилдда эса ҳаёт мактаби ҳақидаги илмий-назарий хулосалари, кашфиётлари, фикр-мулоҳазалари ва қарашлари баён этилган.

Омонулла Файзуллаев Қори-Ниёзий сайланмасига киритилган асарларни «дурдона китоблар» деб баҳолайди ва уларнинг ҳар бирига қисқача тавсиф беради. Бундан ташқари, муаллиф 1967 йили Қори-Ниёзийнинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан республикамизнинг турли шаҳарларида ўтказилган ва Тошмуҳаммад Ниёзович бевосита иштирок этган маросимларда юбиляр ҳақида маърузалар қилган.

Атоқли олим юбилейининг ўшанда Фарғона водийсида ташкил этилган анжуманларини эслаб, Омонулла ака бир ўринда шундай ёзади: «Учрашувлар Фарғона, Қўқон ва Андижон шаҳарларида бир ҳафта сермазмун ўтди. Шунча буюк аллома билан бирга ўзаро суҳбатда бўлиш — менинг учун бахтли дамлардир. Шу билан бирга кўп сабоқ олдим». Омонулла аканинг ўшанда Қори-Ниёзийдан олган сабоқларидан бири шуки, у киши устозининг «Мен бир кунда уч жойда сўзга чиқсам, бир хилда гапирмайман», деган ибратли ақидаларидан келиб чиқиб, Фарғонадаги учрашувларда Қори ака ҳақида, у киши иштирокида 20 та бир-бирига ўхшамайдиган маруза қилади. Домла ўттиз йилдан буён — илмий-амалий анжуманларда бўладими, турли учрашув ва давра суҳбатларида бўладими, талаба-аспирантларга маъруза ўқиш жараёнларидами — ҳамма жойда ва ҳамиша ана шу ноёб фазилатини намоён қилиб келаётир.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир мулоҳазамизни, таъбир жоиз бўлса, эҳтиром ва эътирофимизни баён этмоқчимиз. Мазкур китоб қаҳрамони Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий билан китоб муаллифи Омонулла Файзуллаев ўртасида жуда кўп ўхшаш жиҳатлар бор. Жумладан, ҳар иккала зотнинг асосий касби — педагог, иккаласи ҳам — олим, шу билан бирга, устоз ва шогирднинг иккови ҳам мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган таниқли инсонлардир.

Яхшидан из қолади, дейдилар. Омонулла ака устози Қори-Ниёзийнинг физика-математика фалсафаси ва маданияти тарихига оид ғояларини 70 йилдан буён изчил давом эттириб келмоқда. Ушбу китобни эса муаллифнинг Қори-Ниёзий ҳақидаги узоқ йиллик хотираларининг ўзига хос умумлашмаси деса бўлади. Китоб тушунарли ва равон тилда ёзилган. Муаллиф математиканинг ғоят мураккаб тушунчаларини содда ва лўнда қилиб шарҳлайди. Шунинг учун, бу мухтасар нашрнинг кенг китобхонлар томонидан севиб ўқилишига аминмиз.

Бир сўз билан айтганда, профессор Омонулла Файзуллаевнинг ушбу китоби наинки академик Қори-Ниёзийнинг ҳаёти, илмий-педагогик ва ижтимоий фаолияти ҳақида холис ва атрофлича ҳикоя қилингани, айни чоғда шогирднинг устозга меҳр-муҳаббати, садоқати, чуқур ҳурмат-эҳтиромининг изҳори самимий ва ёрқин услубда ифода этилгани билан ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор.

«КАМОЛОТ» СТИПЕНДИАТЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Интилувчан, иқтидорли ёшларимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида олий ўқув юртлари талабалари учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг «Камолот» стипендияси ва таълим гранти таъсис этилган эди. Яқинда танлов ғолиблари аниқланди.

«Камолот» ЁИҲ Марказий кенгашида совриндорлар иштирокида «Камолот»: мен ва имкониятларим» номли маданий-маърифий дастур бўлиб ўтди. Шу куни ғолиблар ва ҳаракатнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, олий ўқув юртларига қабул қилинган талабалар яқиндан ҳамсуҳбат бўлишди.

Танловда қатнашган 1500 нафардан зиёд талабадан 113 нафари республика босқичида иштирок этишди. Уларнинг 20 нафари «Камолот» стипендиясига муносиб деб топилди. Ғолиблар махсус гувоҳнома ва олий ўқув юртларида белгиланган ойлик давлат стипендияларидан фарқли қўшимча пул маблағлари билан тақдирланди. Иккинчи маротаба ўтказилаётган «Камолот» таълим гаранти дастури доирасидаги танлов ғолиблари ҳам аниқланди. 2007-2008 ўқув йилида ўтказилган мазкур танловда 6500 дан ортиқ талаба иштирок этди. Уларнинг 23 нафари махсус комиссия қарорига мувофиқ ғолиб деб топилиб, бир йиллик шартнома пулининг 50 фоизи миқдоридаги пул мукофотига эга бўлишди.

Тадбирнинг давоми байрамона тус олди. Таниқли санъаткорлар ва эстрада хонандаларининг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Раҳима МАЛИКОВА.

Микрокредитлар ҳар бир хонадонга

«Микрокредитбанк»нинг Кармана тумани филиали буни ўз олдига мақсад қилиб қўйган

«Маълумки, иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас».

Ислом КАРИМОВ.

(Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан).

Рўзибиби опа чевар қизни хонадонига келин қилиб туширгач, анчадан бери ўйлаб юрган режасини амалга оширишга киришди. Тўғри-да, юртимиз кундан-кун чирой очиб, маҳаллаларимиз обод, халқимиз фаровон кун кечираётган, тобора янги қишлоқлар, янги ҳовлилар қад ростлаётган пайтда биноларни дид билан жиҳозлашга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бораверади, албатта.

Хонадонларга кўркамлик бахш этишда гиламлару замонавий элита пардаларининг алоҳида ўрни борлигини тушунган «Маржон Фазлиддин» хусусий фирмаси раҳбари Рўзибиби опа Бекбоева кўп ўйлаб ўтирмай уйида элита парда тикишни йўлга қўйиш учун имкониятларини чамалаб кўрди. Бироқ ишни кўнгилдагидек амалга ошириш учун замонавий тикув машиналари ва мижознинг дидига мос равишда пардалар тикиш учун матолар сотиб олишга маблағи етишмаслигини тушуниб етди.

Илгари ҳам бундай аҳволга дуч келганида банк муассасаларининг молиявий мадади орқали муаммоларини ҳал этган опа бугал ҳам ҳеч иккиланмасдан «Микрокредитбанк» АТБ Кармана тумани филиалига мурожаат этди. Орадан кўп вақт ўтмай Рўзибиби опа банкдан олинган 6,4 миллион сўм кредит ҳисобига 5 та янги замонавий тикув машинаси ва турли пардабоп матоларни сотиб олди. Натижада 2 келини, қизи ва 2 аёлни иш билан банд этди.

Банкнинг Кармана тумани филиали фаолиятида бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Жамоа ўз маблағлари ҳисобидан ҳам фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш ва уларга яқиндан кўмак бериш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1 миллиард 243,7 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратди.

Тобора мижозларнинг ишончини қозониб келаётган молиявий муассаса томонидан ўтган йил давомида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини микромолиялаштириш ҳамда аҳолига бошқа турдаги ажратилган кредитлар 1165,9 миллион сўмга етди. Бу 2006 йилга нисбатан бир мунча кўпдир. Жумладан, қишлоқ хўжалигига 546,3 миллион, қурилиш ва маиший хизматга 358,2 миллион, бошқа тармоқларга эса 261,4 миллион сўмдан ортиқ кредитлар йўналтирилди. Жумладан, Навбаҳор туманидаги «Темир қанот» муқобил машина-трактор паркига ва Кармана туманидаги «Лочин» фермер хўжалигининг ҳар бирига 122,5 миллион сўмдан 2 дона «Класс доминатор» русумли дон ўриш комбайнлари сотиб олишга лизинг кредитлари ажратилиши билан бирга, ризқ-рўзимиз бўлган ғаллани ўз вақтида ўриб олиб, давлатга топшириш учун катта имкониятлар яратилди.

Бундан ташқари, Конимех туманидаги «Учқун Норқул ўғли» фермер хўжалиги ҳамда Кармана туманидаги «Мустақиллик» фермер хўжаликлари кредит ҳисобига 2 дона «ВТ — 150» ДЕ русумли занжирли ҳайдов трактори олди. Натижада фермерлар ғалла ҳамда пахта ҳосилидан бўшаган майдонларни ўз вақтида агротехника қоидалари асосида шудгорлашга муваффақ бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-қарори талаблари асосида ўтган йил давомида банк филиали ва мини банклар орқали 246 та фермер хўжалигига ғалла етиштириш учун 414,6 миллион сўм ва пахта тайёрлаш учун 343 та фермерга 2302 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди ва бу соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этди.

Фармон ва ижро

Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги Фармонига асосан 2006 йил июль ойидан ҳозирги кунга қадар юридик шахс бўлмаган якка ҳамда оилавий тадбиркорларга, юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган микрофирма, кичик ва хусусий корхона, деҳқон ва фермер хўжаликларига бошланғич сармояни шакллантириш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун жами 1659,9 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди ва 103,4 минг сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан 53,4 миллион сўм миқдорида ипотека ва истеъмол кредитлари ҳамда 921,4 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Бу бир неча ёш оилани уй билан таъминлаш ва рўзғор учун зарур жиҳозлар харид қилиш имконини берди.

Шунингдек, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинганидан буён филиал томонидан савдо ва умумий овқатланиш, алоқа ва телекоммуникация хизматлари, маиший ва бошқа қатор хизмат турларини ривожлантириш, янги ташкил этилаётган корхоналарни техник жиҳозлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш дастурининг ижроси бўйича ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Ўтган йил давомида фақат хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш бўйича 2 та хусусий корхонага жами 51 миллион сўм миқдорида микролизинг кредитлари ажратилди ва пировардида 8 та қўшимча иш ўрни яратилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили»

Бугун қайси бир соҳа ривожи ва тараққиётининг асосий манбаига эътибор қаратмайлик, банк-молия тизимининг ҳиссаси борлигини кўриш мумкин. Саноат, қишлоқ хўжалиги ёки сервис соҳаси бўладими, молиявий муассасалар томонидан ажратилаётган кредит маблағлари эвазига ҳам тараққий этиб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ҳам ишбилармон ва тадбиркорларнинг молиявий мададкорига, ишончли ҳамкорига айланиб бораётганлиги туфайли бугунги кунда турли мулк шаклидаги 1149 та юридик ва 628 нафар жисмоний шахс молиявий муассасанинг Кармана тумани филиали мижозига айланган.

Давлат дастурининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш ҳамда «Микрокредитбанк» ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан имзоланган битимга асосан тумандаги ҳар бир коллежда битирувчи талабалар орасида тадбиркорлик фаолиятини тарғиб қилиб, уларнинг микромолиявий хизматлардан бахраманд бўлишини таъминлаш мақсадида семинарлар ташкил этилди. Ўтган йили 17 нафар битирувчи талабага маиший хизматни ривожлантириш учун кредит ажратилди.

Шунингдек, жорий йил бошида банк филиали ва Оқсоқоллар кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан битим имзоланганди. Бундан кўзланган асосий мақсад ажратилаётган микрокредитлар маҳаллаларда яшаётган тажрибали, янги хизмат турларини ташкил эта оладиган, халқ истеъмоли моллари ва бошқа ҳаётий зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қурби етадиган тадбиркорларга етиб боришини таъминлаш ҳамда уларга амалий ёрдам беришдан иборат эди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ижобий самара берди, банк билан маҳаллалар ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда банк жорий йилнинг 1 март ҳолатига кўра терминаллар сонини 19 донага, пластик карточкалар сонини 1650 тага етказди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мутаносиб равишда 2 ва 23 тага ортди. Пластик карточкаларга жалб қилинган маблағлар миқдори эса 15 миллион сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 бараварга кўпайди.

— Ҳозир фаолиятимизни замонавий тарзда ташкил этиш мақсадида вилоят ва туман ҳудудидаги корхона ҳамда ташкилотлар билан пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган иш ҳақи лойиҳасини янада ошириш устида иш олиб бормоқдамиз, — дейди банкнинг Кармана тумани филиали раҳбари Азамат Тошев. — Бунинг учун шартномалар сонини кўпайтириш, карточкалар, терминаллар сонини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш орқали молиявий муассасанинг ресурс базасини кўпайтириш ва кредит бериш имкониятини янада кенгайтириш мақсадида янги омонат турлари ташкил этилди. Жумладан, янги 10 та омонат тури жорий этилиб, бугунги кунда уларнинг ҳаммаси 21 тага етказилди. Айни пайтда коммунал тўловлардан нақд пул тушумини кўпайтириш ҳамда аҳолига қулайликлар яратиш учун 1 та махсус шахобча очилиб, улар орқали ўтган йил давомида 135 миллион сўмлик тўловлар қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, «Микрокредитбанк» АТБнинг Кармана туман филиали ўз олдига мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ижтимоий соҳа ривожига ҳисса қўшиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадларни қўйган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Дилбар РАЗЗОҚОВА. ®

ФАХР ИЛА ҒУРУР

Франциядаги учрашувлар чоғида қалбларимизни шундай туйғулар эгаллади

ЕИ алоқалар кенгайишидан манфаатдор

Франция ҳақида кўплаб мақолалар, китоблар ўқиганмиз. У дунёда ўз ўрнига, ўз салоҳиятига эга мамлакат эканлигини яхши биламиз. 2004 йилда Брюсселга борганимизда, бир ровгина Парижга ҳам келиб-кетгандик. Ўшанда шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилар эканмиз, бир ёки икки кунда Франция, Париж ёхуд француз халқи ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш қийин эканлигини ҳис қилгандик.

Ўтган ой бошларида Франция ташқи ишлар вазирлиги таклифига биноан ўн кун яна ушбу мамлакатда бўлдик. Марказий Осиё давлатлари журналистлари учун уюштирилган семинарда Ўзбекистон, Тожикистон ва қирғизистонлик журналистлар иштирок этишди. Семинарнинг асосий мавзуси Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар масаласи эди. Лекин сафар давомида Франция таълим тизими, матбуоти, энергетикаси, дин ва дунёвий тузум масалаларида ҳам қизиқарли учрашувлар, суҳбатлар, баҳслар бўлиб ўтди.

Европа Иттифоқини ташкил этишга Франция ва Германия мамлакатлари ташаббускор бўлганини кўпчилик яхши билади. Ўн беш, йигирма йил бурун эртаҳдек тиюлган нарса бугун ҳақиқатга айланди. Ҳозиргача ЕИ ўз таркибига қўҳна қитъанинг 27 мамлакатини бирлаштириб улгурди. Тузилма бугун ўз пул бирлигига эга. Евро кундан-кунга АҚШ долларини бозордан сиқиб чиқариб, дунёнинг пул бирлигига айланиб бормоқда.

Сафарнинг биринчи куни ЕИнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Пьер Морель, Франция ташқи ва Европа ишлари вазирлиги Континенталь Европа бошқармаси бошлиғи Жак Фор билан учрашув бўлди. Пьер Морелнинг таъкидлашича, ЕИ Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларни янада кенгайтиришдан манфаатдор. Чунки Марказий Осиё Россия, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон каби йирик мамлакатлар манфаатлари тўқнаш келган ҳудудда жойлашган. Бундай пайтда Европа Иттифоқи ҳам четдан қараб тура олмайди.

Марказий Осиёга қизиқиш катталигининг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, бу ҳудуд катта миқдорда газ ва нефть захираларига эга. Иккинчидан, Афғонистондаги террорчи-экстремистик кучларга қарши курашда минтақа мамлакатлари таянч нуқта вазифасини бажариши мумкин. Учинчидан, Афғонистонда етиштирилаётган наркотик моддаларнинг Европага кириб келишини камайтиришга Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларни яхшилаш, уларнинг чегараларини мустаҳкамлаш билангина эришиш мумкин.

Пьер Морель Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг ролига тўхталар экан, мамлакатимиз ҳудуддаги етакчи давлат эканлигига эътиборни қаратди ва кўп соҳаларда намуна бўлаётганини қайд этди. Маълумки, Морель жаноблари январь ойида Тошкентда бўлиб, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов билан учрашган эди. Махсус вакил Президентимиз билан учрашуви ҳақида гапириб, суҳбатда минтақа ва жаҳон аҳамиятига доир кўплаб масалалар муҳокама мавзуи бўлганини қайд этди.

Франциялик экспертларнинг айтишича, Ўзбекистонда қонунчилик, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, хусусан, 2008 йилнинг бошидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилишини ЕИ табриклайди. Бу ислоҳотлардан ҳудуддаги бошқа мамлакатлар ҳам ўрнак олиши керак.

— Европа Марказий Осиё учун ҳам жуда керак, — деди Пьер Морель. — Чунки ЕИ дунёдаги энг катта бозор. Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодида кейинги йилларда кузатилаётган ўсиш катта бозорларни талаб қилади.

Европа Иттифоқи кейинги олти йилда Марказий Осиё минтақаси учун 750 миллион евро миқдорида маблағ ажратган. Бу маблағнинг 75-80 фоизи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга, қолган қисми эса ҳудуддаги давлатлар ташаббусларини қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Турли давралардаги суҳбатлар чоғида ЕИ мамлакатлари ўртасида баъзи масалаларга бўлаётган турлича муносабатлар ҳақида ҳам гап борди. Албатта, якин-якингача алоҳида-алоҳида кун кечирган 27 мамлакатни қисқа муддатда бир ҳудудга бирлаштиришнинг ўзи бўлмайди. Масалаларга турлича қарашлар бўлиши табиий. Лекин суҳбатлар, баҳслардан шу нарса маълум бўлдики, Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида кейинги йилларда айрим муаммолар ҳам келиб чиқмоқда. Бунинг асосий сабаби аъзо мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг турличалигидир. ЕИ аъзолари кенгайиб борган сари, Ғарбдаги ривожланган малакатлар аҳолиси ўртасида норозиликлар келиб чиқмоқда. Чунки Ғарбга Шарқий Европадан кўплаб аҳоли келаяпти ва бу мамлакатларда ишчи кучи арзонлашишига, ишсизликнинг кўпайишига сабаб бўлаяпти. Фақат бугина эмас. Италияда Руминиядан келган муҳожирлар бир неча кишини шафқатсизларча ўлдиришди. Ёки доимо тинч ва сокин бўлган Вена кўчаларида шарқий европаликлар шовқин кўтаришмоқда. Бундай шовқинларга ўрганмаган австрияликларда меҳмонларнинг хатти-ҳаракати норозилик кайфиятини уйғотмоқда. Булар оддий ҳолга ўхшаб кўринса-да, лекин жиддий ўйлаб кўрадиган муаммолардир.

Тарихни бундай ўрганиб бўлмайди

Париждан тахминан 25-30 километр узоқликда жойлашган Манте шаҳарчасида Сент-Экзюпери номли лицей бор. Лицейда 1420 ўқувчи билим олади. Уларга 120 ўқитувчи дарс бермоқда. Шу ўринда Франция таълим тизими ҳақида икки оғиз маълумот бериб ўтсак. Мамлакатда 29 та мактаб округлари бор. Бу округларга ректорлар раҳбарлик қилади. Улар округ бўйича таълим вазири вазифасини бажаради. Сент-Экзюпери номли лицей жойлашган округда бир миллион ўқувчи ва юз минг нафар ўқитувчи бор. Округлар департаментларга бўлинади. Департаментларда ректорнинг вакили — инспекторлар бошлиқ ҳисобланади. Мамлакатда ҳафталик дарс ҳажми 27-30 соатни ташкил этади. Дарслар 55 минут давом этади. Франция, шунингдек, хусусий мактаблар ҳам фаолият кўрсатади.

Лицей директори Брюно Шокенинг таъкидлашича, ўқув даргоҳида турли миллат ва дин вакиллари билим олади. Масалан, 30 фоиз ўқувчилар мусулмонлар. Директор лицей фаолияти ҳақида гапирар экан, у яқин йилларгача мамлакатдаги энг нуфузли ўқув юртларидан бири бўлганлигини таъкидлади. Кейинги йилларда унинг нуфузи бир оз тушибди. Лицейда ўқувчилар турли фанлар билан бирга, кўплаб хориж тилларини ҳам ўрганишади.

— Ўқувчиларимиз орасида инглиз, немис, араб, испан, рус, португал тилларини ўрганишга қизиқиш кучли, — дейди жаноб Шоке.

Учрашув чоғида биз Франция мактабларида, жумладан, лицейда фанлар дастурлари билан қизиқдик.

— Тарих дарсларида Марказий Осиё тарихи ўрганиладими? —дея савол бердик директорга.

— Марказий Осиё тарихи бизнинг тарих китобларимизда йўқ, — деди директор.

Шу гапни эшитгандан сўнг ўйланиб қолдим. Ахир, дунё тарихини оламга Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Бухорий каби буюк сиймоларни берган юрт тарихисиз тасаввур қилиб бўладими? Жаҳон тарихи Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Заҳириддин Муҳаммад Бобур тарихисиз жуда камбағал, кемтик бўлиб қоладику...

Шоке бизга ўзи раҳбарлик қилаётган лицей биноси, унинг жиҳозланиши, ўқувчилар учун яратилган имкониятларни фахрланиб кўрсатди. Махсус компьютер синфлари борлигини айтди. Францияда, бунинг устига мамлакат пойтахтининг нақд биқинида бундай гўзал кошонанинг бўлиши табиий.

Тўғриси, ҳавас қилса арзийдиган манзара. Лекин солиштириб кўриб билдикки, биздаги шароитлар ҳам бу ердагидан мутлақо қолишмайди. Биз ҳамсуҳбатларимизга юртимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Таълим тўғрисидаги қонун, Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004-2009 йилларга мўлжалланган Давлат умуммиллий дастури, бу ҳужжатларни амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирганимизда, нафақат мезбонлар, балки қўшни мамлакатлардан борган ҳамкасбларимиз ҳам бизга ҳавас билан қарашди.

Биз эса мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг узоқ-узоқ қишлоқларида ҳам энг замонавий, барча талабларга жавоб берадиган, ҳозиргина биз танишганимиз Сент-Экзюпери номли лицейга тенг кела оладиган юзлаб, минглаб мактаб, лицей, коллежлар бинолари, спорт иншоотлари барпо этилганини сўзлаб бердик.

Мен лицейни айланар эканман, хаёлимдан қуйидаги фикрлар ўтди. Нега юртимизга келган хорижлик журналистларга, сайёҳларга Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларимиздаги тарихий обидаларни кўрсатамизу уларни кейинги йилларда мустақиллигимиз шарофати билан қурилган мактаб, лицей ва коллежларимизга олиб бормаймиз? Бу ўқув масканларида болаларимиз учун яратилган шароитларни сайёҳларга кўз-кўз қилмаймиз? Бир вақтлар Юртбошимиз келгусида мамлакатимизга келган сайёҳлар бизнинг ўқув юртларимизни ҳам ҳавас билан томоша қилади, дея таъкидлаган эдилар-ку. Менимча шундай кунлар келди. Сайёҳлик йўналишларига энди шаҳар ва қишлоқларимиздаги замонавий ўқув биноларини кўрсатишни ҳам киритишимиз лозим. Токи ўлкамизга келган меҳмонлар бизнинг нафақат ўтмишимиз, балки келажагимиз ҳам буюк эканлигини кўриб қўйишсин.

Ўзбекистон ва жаҳон



Ҳамкасблар билан мулоқотлар

Университетда ўқиб юрганимизда Жаҳон матбуоти тарихи деган фан ўтиларди. Дарсда дунёдаги энг йирик кундалик нашрлар ҳақида гап кетганда, Францияда чоп этиладиган "Фигаро" газетаси ҳам тилга олинарди. Лекин ўша пайтда бир кун келиб шу газета таҳририятида меҳмон бўлишимни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Сафаримиз давомида "Фигаро" таҳририятида бўлиб, газета бош муҳаррирининг халқаро ҳаёт масалалари бўйича ўринбосари Пьер Руслен билан суҳбатлашдик.

"Фигаро" 1826 йилда ташкил этилган. У энг қадимги умумдавлат кундалик газетаси ҳисобланади. "Фигаро" Бомарше комедиясининг бош қаҳрамони номидан олинган. Газета бугунги кунда 300 мингдан кўпроқ нусхада тарқалади. Илгари у миллионлаб нусхада босилган, мамлакатнинг ҳамма ҳудудларига етиб борган. Компьютернинг, Интернетнинг пайдо бўлиши, бошқа газеталар қатори унга ҳам ўз таъсирини ўтказган.

— Афсуски, Марказий Осиё мамлакатларида мухбирларимиз йўқ, — дейди Пьер Руслен. — Собиқ иттифоқ давлатларидан фақат Москвадагина мухбирлик постимиз бор. Сизларнинг юртингиздаги воқеаларни бевосита ёритиш имконига эга эмасмиз. Кўпинча ахборот агентликлари, хусусан "Франс-пресс" хабарларидан фойдаланамиз. Шунинг учун баъзан ахборотларимиз нохолис бўлиб қолади. 1992-1993 йилларда мен Афғонистондан бир неча репортажлар тайёрлаганман. Ўша пайтда Ўзбекистонда, хусусан, Самарқанд ва Бухорода бўлганман. Тўғрисини айтсам, менда бу шаҳарлар жуда катта таассурот қолдирган.

Газеталарнинг тиражи камайиши ахборот асри бўлмиш XXI асрда ғоявий қуролнинг янги йўналишларини топишни талаб қилмоқда. Парижда «FRANCE 24» телеканалининг ташкил этилишини шу йўлдаги ҳаракат натижаси дейиш мумкин. Бор-йўғи 2006 йилнинг декабрь ойида ўз кўрсатувларини бошлаган телеканалда 550 ходим, жумладан, 250 тележурналист хизмат қилади. «FRANCE 24»нинг жамоатчилик билан алоқалар бўйича масъул ходими Даниэль Амадунинг айтишича, телеканал бевосита собиқ президент Жак Ширак ташаббуси билан ташкил этилган. Бундан кўзланган асосий мақсад, дунё аҳлини Францияда бўлаётган воқеалардан, Франция аҳолисини эса дунёда бўлаётган воқелардан тезкорлик билан ва холис хабардор қилишдир. У асосан ахборот тарқатиш билан шуғулланади.

Телеканал ўз фаолиятини бошлаганига эндигина бир йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, аллқачон ўз томошабинларига эга. Бугун «FRANCE 24» ахборотларини Европада, Шарқий Африкада, Яқин ва Ўрта Шарқда 350 миллион аҳоли томоша қилмоқда. Ҳатто АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида 1 миллион 200 минг мухлиси бор. «FRANCE 24» жамоаси келгусида Осиёни ҳам эгаллашни режалаштирган.

— Мақсадимиз бутун дунёга холис ахборот узатиш, — дейди Амаду. — Бунинг учун имкониятларимиз ҳам, маблағимиз ҳам етарли. Ҳозирча кўрсатувларимизни эфирга француз, инглиз, араб тилларида узатаяпмиз. Яқин йилларда улар қаторига испан ва рус тилларидаги кўрсатувлар ҳам қўшилади.

«FRANCE 24» таҳририятида бўлганимизда мухбирлар, журналистлар билан мулоқот қилдик, кўрсатувларни тайёрлаш жараёнида иштирок этдик. Албатта, барча имкониятларга эга бўлган студияларда ишлаш мароқли эканлигини тележурналистлар бизга роҳатланиб сўзлаб беришди.

"Шарққа назар". Франция ташқи ишлар вазирлигида шундай ном билан нашр этиладиган журнал муҳаррири Элен Руссо билан мулоқотда бўлдик. Унинг қуюнчаклик билан айтган сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, ушбу журнал 1996 йилнинг май ойида Шарқ мамлакатлари билан қизиқадиган ва шу соҳада тадқиқотлар олиб бораётган журналистлар ҳамда шарқшунослар томонидан ташкил этилган. Аввалига журнал нусха кўчириш аппаратида кўпайтирилиб, тарқатилган. Кейинчалик эса нашр этилган. Бир чоракда битта сони чиқади. Ҳозирда унинг электрон нусхаси ҳам бор.

— Биз Шарқ, айниқса, собиқ шўро республикалари ҳақида жуда оз маълумотга эгамиз, — дейди Элен Руссо. — Марказий Осиё маданияти, санъати, тарихи ҳақида кўпроқ билишни истайдиганлар кўп. Лекин биз улар истаган маълумотларни етказиб бера олмаяпмиз.

Руссонинг қайд этишича, Марказий Осиё журналистлари билан мунтазам алоқа ўрнатиш туфайли бу муаммони ҳал этиш мумкин.

Самарқандга бормоқчиман

Париждан 20 километр узоқликда жойлашган Француз қироларининг саройи бўлмиш Версал Людовик XIV даврида қумуш мебеллар билан безатилган. Кейинчалик Англия билан бўлган урушда маблағ топилмагани учун бу мебеллар сотиб юборилган, ўрнига қурол-яроғ харид қилинган. Ўша даврда бошқа қиролликлар саройида ҳам шундай қумуш мебеллар ясалган. Гарчи Версалдаги мебеллар сақланиб қолмаган бўлса-да, Европанинг бошқа шаҳарлари саройларидаги мебеллар ўз ҳолича турибди. Шу йил бошида француз зиёлилари ташаббуси билан Версал қироллар давридаги ҳолатга келтирилган, бошқа саройларда сақланган қумуш мебеллар Версалга келтирилган экан. Тасодифни қарангки, шу экспозицияни кўриш бизга ҳам насиб этди.

Бизни Версалда Виолетта исмли йўлбошловчи олиб юрди. У Версал ҳақида сўзлар экан, жуда қизиқ воқеаларни айтиб берди. Унинг таъкидлашича, Людовик XIV даврига қадар французлар ҳаммомда чўмилишни билишмаган. Улар ҳаммом қуришни турклардан ўрганишган. Шунинг учун ҳам "Лувр" даги "Турк ҳаммоми" асари музейдаги энг ноёб асарлардан ҳисобланади.

Виолетта хоним биз билан танишар экан, Ўзбекистондан келганимизни эшитгач очилиб кетди.

— 2001 йилда хизмат юзасидан мамлакатингизда бўлгандим, — деди у. — Тошкент, Самарқанд шаҳарларига бордим. Тўғриси, Ўзбекистон менга жуда ёқиб қолди. Айниқса, Самарқанддаги тарихий обидалар мени лол этди. Францияга қайта туриб, бу ерларга, албатта, яна келман дея ният қилгандим. Орадан икки йил ўтгач уч синглим, уларнинг турмуш ўртоғлари, бир неча дугоналаримни олиб Ўзбекистонга йўл олдим. Бу сафар Тошкент ва Самарқанддан ташқари, Бухоро, Хива ҳамда Шаҳрисабзда ҳам бўлдик. Хуллас, юртингиз ҳақида таассуротларим бир олам. Бу ўлкани ҳеч унута олмайман...

Париждаги Катта масжиддаги учрашув чоғида мусулмон олами, дунёда динларнинг ривожи, Францияда ислом динига муносабат ҳақида қизиқарли суҳбат бўлди. Париж ва унинг атрофида 350 та, бутун мамлакатда эса 2200 та масжид бор экан. Мусулмонлар кўплиги жиҳатдан католиклардан сўнг иккинчи ўринда туради.

Масжид директори Жалол Сиддиқий Ўзбекистон ҳақида гапирар экан, ислом дини тараққиётида бу юрт фарзандлари қўшган ҳиссани ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмаслигини таъкидлади.

— Бизнинг мусулмонларимиз Макка ва Мадинадан сўнг Бухоро ҳамда Самарқандни энг муқаддас шаҳарлар деб билишади. Кўпларининг орзуси шу шаҳарларда бўлиш ҳамда Имом Бухорий, Имом Термизий каби алломаларнинг қабрларини зиёрат қилишдир. Ўтган йили Тошкент бекорга ислом маданияти пойтахти деб

эълон қилинмади. Мен ўзим Ўзбекистонда бўлмаган эсам-да, ислом оламида бу юртнинг обрў-эътибори осмон қадар баланд эканлигини яхши биламан. Юртингизда истиқлолдан сўнг динга муносабат мутлақо ўзгаргани, бугун барча динлар эркин ривож топаётганидан хабардорман, — деди Сиддиқий жаноблари.

Биз ҳам ўз навбатида мамлакатимизда динга муносабат, одамларнинг эътиқод эркинлиги ҳақида гапириб бердик. Мустақилликка қадар мамлакатимизда саноқли масжидлар бўлгани, ҳозир эса масжидлар сони бир неча мингтадан ошиб кетганини, ҳар йили ҳажга борувчилар учун алоҳида имкониятлар яратилаётгани, юртимизда Рамазон ва Қурбон ҳайитлари Президентимиз Фармони билан умумхалқ байрами деб эълон қилинганини сўзлаб берганимизда, улар ҳайратларини яширишмади.

Сафар давомида Париждан 500 километр узоқликдаги Буглан қишлоғида ҳам бўлдик. Бу ерда дарё тўсилиб, тўғон қурилган. Тўғон этагида иккита электростанция фаолият кўрсатмоқда. Бизга айтишларича, Франция электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича Европада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакат ўзини энергия билан таъминлашдан ташқари, маҳсулотни четга ҳам сотади. Электр энергиясининг 88 фоизи атом электр станцияларда ишлаб чиқарилади. Биз бўлган икки ГЭСнинг ҳар бирида ўн бир нафардан ишчи ишлар экан. Барча юмушлар компьютер ёрдамида бошқарилади.

Бизнинг Бугланга safаримизни уюштирган EDF компанияси мамлакатдаги энг йирик электр энергияси ишлаб чиқарадиган корхона ҳисобланади. Буглан тўғонига йўл олар эканмиз, Доль шаҳрига қадар тезюрар поездда бордик. Кейин эса микроавтобусда яна бир ярим соат тоғ йўлидан юрдик. Бизни кутиб олган йигитга таржимон Марказий осиёлик журналистлар эканлигимизни айтганда, шу узоқ қишлоқда яшовчи муҳандис ҳам Самарқанд ҳақида сўраб қолса бўладими! У бу шаҳарга саёҳат қилиш орзуси борлигини айтганда, рости, жуда қувондик. Ахир, узоқ юртнинг узоқ қишлоғидаги оддий бир йигит сенга мамлакатингдаги шаҳар, унга бориш орзуси ҳақида гапирса, қувонмай, ғурурланмай бўладими?

Ҳозир пойтахтимиз Тошкент кўчаларида кичик-кичик ойнали бекатлар пайдо бўлганидан кўпчилик хабардор. Лекин шу бекатларни қайси компания қураётганини ҳамма ҳам билмаса керак. Safаримиз дастуридан шу ташкилотда бўлиш, компаниянинг яқинда Ўзбекистонда ташкил этилган қўшма корхонаси тақдимотида иштирок этиш ҳам жой олганди.

«JC Decaux» кўча ва транспортда реклама жойлаштириш билан шуғулланади. У шаҳарлар кўчаларига реклама жойлаштириш бўйича Европада, аэропортларга реклама жойлаштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Жаҳондаги 141 аэропортга шу компания томонидан реклама жойлаштирилган. «JC Decaux» дунёдаги 48 мамлакатнинг 3500 шаҳрида ўз рекламалари билан иштирок этмоқда.

Компаниянинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ҳамдиректори Эммануэль Рюсселнинг таъкидлашича, «JC Decaux» ҳозирча Тошкент, Олма-ота ва Остонада реклама жойлаштириш билан шуғулланиб келмоқда. Компаниянинг йиллик маблағ айланмаси 2 миллиард 200 миллион еврони ташкил этади.

— Бекатлар учун керакли материалларни Франциядан Тошкентгача олиб бориш жуда қимматга тушиб кетади, — дейди Эммануэль Рюссель. — Ҳозиргача Хитойда ишлаб чиқарилган материаллардан фойдаланиб келаётган эдик. Яқинда Тошкентда қўшма корхона ташкил этдик. Унда ишлаб чиқарилаётган шиша материаллар мустаҳкамлиги жиҳатдан Франциядагидан асло қолишмайди, ҳатто ундан ҳам сифатлироқ. Корхонада ҳозирча 20 нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда.

Корхона ҳамдиректорининг айтишича, Тошкент Марказий Осиёдаги энг йирик шаҳар. Шунинг учун ҳам улар ҳамкорликни айнан Ўзбекистон пойтахтидан бошлашган. Ҳозирда Самарқанд ҳамда Чимкент билан ҳамкорлик қилиш бўйича музокаралар олиб борилаяпти.

Парижни Эйфель минорасисиз тасаввур қилиш қийин. Шу миноранинг учинчи қаватида, яъни 300 метр баландликда дунёдаги мамлакатлар пойтахтидан Парижгача, балки Эйфелгачадир, бўлган масофа ёзиб қўйилган. Албатта, бу ерга чиққан одам, аввало, ўз шаҳригача бўлган масофа билан қизиқади ва уни излайди. Биз ҳам биринчи навбатда Тошкент деган ёзувни изладик. Ўзбекистон пойтахтидан Парижгача бўлган масофа 5166 километрни ташкил этар экан. Бу бир оддий нарсага ўхшаб кўринади. Лекин дунёдаги энг кўркам ва гўзал шаҳарлардан бирида, бунинг устига, ҳеч қачон сайёҳлар оёғи узилмайдиган минора деворларида Ўзбекистон байроғи тасвири ҳамда Тошкент деган ёзувни кўриш қанчалар фараҳбахш эканлигини сўз билан таърифлаш қийин. Шунинг ўзи ҳам юртимизни дунё эътироф этаётганининг бир белгиси эмасми?

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Франциянинг қайси бурчагига бормайлик, қайси компаниясида учрашувлар ўтказмайлик, ҳамма жойда Ўзбекистонни, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимизни билишига, юртимизга қизиқиш катта эканлигига гувоҳ бўлдик. Бундан қувондик, ғурурландик. Қувонмай, ғурурланмай бўладими?

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.
Тошкент — Париж — Тошкент.

Суратларда: Эйфель минораси ва Лувр музейи дунё сайёҳларини доимо ўзига мафтун этиб келади.

Муаллиф олган суратлар.

Бошланғич ташкилот — етакчи куч

СОН ЭМАС, СИФАТ МУҲИМ

Фуқаролари фаол бўлган жамиятдагина ривожланиш бўлади, ислоҳотлар амалга ошади. Ҳаммаси ҳаракатга, интилишга боғлиқ.

Ташкил топганидан буён бошқа сиёсий партиялар қатори «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам халқ ичига чуқур кириб бормоқда. Айниқса, унинг бошланғич ташкилотлари фаоллашаяпти. Биз ҳам бу борада кенг ҳудудни қамраб олишга муҳим эътибор қаратаяпмиз. Коллеж ва мактабларда, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда партиямизнинг қуйи бўғинлари тузилмоқда.

Дарҳақиқат, республикамизнинг барча вилоятларида миллат келажаги учун хизмат қилишни ўз бурчи деб биладиган зиёлиларимиз турли жабҳаларда меҳнат қилиш билан бирга, биз — маслакдошлари билан бир сафда туриб миллий тикланиш ғояларини тарғиб қилишаётир. Очиғи, партияга аъзо бўлаётганимизда эл севган фидойи зиёлилар билан бир сафда туриб меҳнат қилишга, уларга сафдош бўлишга интилганмиз. Академик Азиз Қаюмов, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров, севимли ёзувчи ва шоирларимиз Ўткир Ҳошимов, Ойдин Ҳожиева, Шарифа Салимова, публицист Ашурали Жўраевлар, санъатимиз жонкуярлари Муяссар Раззоқова, Ўлмас Саиджонов, Ортиқали Қозоқов сингарилар ана шулар жумласидандир. Олиму шифокор, муаллиму тадбиркор ва бошқа соҳаларда ишлаётган фидойи, ташаббускор партиядошларимиз ҳам кўп.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Партияда масъул вазифада ишлаш мансаб ёки лавозим эмас, аслида жуда катта масъулият. Биз — «Миллий тикланиш»чиларнинг мақсадимиз миллий манфаатлар замиридаги янги ўзбек давлатининг асосларини яратиш, ҳуқуқий давлат ва жамият қуриш йўлидан боришдир. Ўзбекистонни жаҳоннинг етакчи давлатлари сафига олиб чиқиш учун доимо олға ҳаракат қилиш, илгарига интилиш, бошқаларни ҳам шу йўлдан бошлаш асосий вазифамиздир.

Партия кенгашимиз фаоллари шу юксак масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ишлашмоқда. Бошланғич ташкилотларимиз сони ҳозирда 13 тага етди. Бошқа туманлар билан солиштирганда бу рақамлар камроқ кўриниши мумкин. Биз учун эса, сон эмас, сифат муҳим, албатта. Улардаги партиямиз етакчилари асосан ёшларнинг фаоллигини ошириш, аъзоларимиз сафини фидойилар ҳисобига кенгайтириш, хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратмоқда. Бундан ташқари, аҳолининг сиёсий маданиятини ошириш мақсадида жуда кўп тадбирлар уюштирилаётир. Партиядошлар ташаббуси ҳамда ҳомийлар мадади билан кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам бериляпти.

Халқимиз зиёлиларга азал-азалдан ҳурмат ва ишонч билдириб келишган. Уларни эъзозлашган. Зиёлилар бирлашиб, фикрлашиб тургани яхши. Бу эса ишимизга ҳам ривож, ҳам барака беради. Партиямизнинг халқ орасидаги нуфузини янада ошириш, энг муҳими, Низом ва Дастуримиздаги эзгу ғояларни амалга ошириш учун бир тану бир жон бўлиб ишлаш, ҳар доим фидойи бўлиш бурчимиздир.

Холида ТЎРАҚУЛОВА,
ЎзМТДП Зафаробод туман кенгаши раиси.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ва Янгийўл шаҳар академик лицейи жамоаси ҳамкорлигида «Наврўз, қадриятлар ва ёшлик» мавзуида адабий-бадиий, мусиқали кеча ўтказилди.

АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧА

Тадбирни университет ректори Ш. Шообидов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни Наврўзи олам билан қутлади.

Кечанинг бадиий қисми Наврўз билан боғлиқ анъаналар, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирган талабалар ижросидаги саҳна кўринишлари, куй-қўшиқ ва рақслар билан ўтди. Юртимиз вилоятларига хос бўлган урф-одатлар, келин салому ёр-ёр, ялла-ю лапар, бахши қўшиқлари талаба қизларнинг жозибали рақсларига уланиб кетди.

Ўз номига муносиб равишда тадбир Наврўз, ёшлик туйғулари ҳамоҳанглигини уйғунлаштиргани билан ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

ҲАЁТ — ҲИКМАТ

уни уқиш керак, холос

Дунёда нима бор
аламдан ёмон,
Рост сўзни сўзлаган
қаламдан ёмон.

Қиш. Янги йил арафаси. Келгуси йили мактабга чиқадиган жияним йиқилиб, чириллаб йиғлаб қолди. Докторлар текширишди, ўнг қўлининг суяги дарз кетибди. Гипслаб (тахтакачлаб), оппоқ бинт билан боғлаб қўйишди. Даволаш муддати тугади. Лекин... суяк сал қийшиқроқ битибди, кейинчалик билинмай кетади, дейишди жарроҳлар.

Бирор ҳафта ўтиб, "қиз бола бўлса, яна ўнг қўли...", деб ташвишга тушган келинойим шаҳарлик дўхтирларга кўрсатмасак бўлмайди, деб туриб олди. Айтганини қилди, қайтадан тахтакачлашибди. Ёш бола, қийналгандир-да, "оғримадими?" десам, "яна оғритишди, энди тўғирлаб қўйишди. Тузалиб кетса, оғримасакан!", дейди қувониб. Қўл-ку, тузалар, синган суяк битиб кетар, лекин... бир латифа бор-ку, операция қилган врачнинг қўлқопи беморнинг қорнида қолиб кетади. Ўша, эсимга тушиб кетди.

Чумчуқ сўйсаям қассоб сўйсин, деган мақол бор. Болалигимда бошимга чиққан кўз ярани "кесиб" қўйиб, операциядан учтўрт кун ўтиб, уйга жавоб бериб юборишганди. Бошимнинг бир томонини авайлабгина ёстиққа қўярдим. Бинт билан боғланган томони билан ётолмасдим, оғирди. Айтсам яна дўхтирга оборишади, деб қўрққанман. Охири, "сир"им ошкор бўлди, уйдагилар билиб қолишди. Аммам авайлаб бинтни ечиб кўрди-ю, кўзларига қараб, қўрқиб кетдим. Уйнинг катталари маслаҳат қилиб, "мактабга чиқишингга янги кўйлак олгани борамиз", деб алдаб, яна касалхонага олиб боришди. Тошкентга кетармишман. Мазаку, деб суюндим. Кейин билсам, операцияни чала қилишган экан. Йўлланма билан пойтахтдаги шифохонага келдик. Бир врач кўриб, камида бир ой даволанишим кераклигини айтди. Ёзги таътил касалхонада ўтди, бу ҳам етмагандек 5 йил ширинлик ейишдан "маҳрум" бўлдим. Каттароқ бўлганимдан кейин уйдагилар айтиб беришди, ўшанда бош миямнинг "қопқоғи" очилиб қолган экан. "Одамнинг миясиям қатиққа ўхшаган бўлар экан", деб кулишади ҳозир уйдагилар.

Демоқчиманки, бир соҳанинг мутахассиси бўлиш жуда қийин. Шифокорлар олийгоҳда ҳаммадан кўп ўқишади. Инсоннинг ҳаётини хавфдан қутқариб, оғир дамда нажот қўлини чўзишади. Лекин "чаласавод" деган тамға уларнинг оқ халатига доғ бўлиб тушса, ёмон. Бир уқувсиз "нажоткор"нинг "саховат"и бир умрга татийди баъзан.

* * *

Ҳамма ишларинг жойида, лекин нимадир етишмайди. Нимадир кам. Ўша ниманинг нималигиниям билмайсан. Фасл ўзгараётгани учунми, ё бошқа бирор сабаб борми, ўзинг ўзгараяпсанми, нимагадир безовтасан. Ичингга чироқ ёқса, ёришмайди. Ҳамма ташвишларни унутиб, қаёққадир кетгинг келади.

Элас-элас эслай бошлайсан аслида кимлигингни. Сен бошқача одамсан! Қишлоқда сенга ишонганлар, фахрланадиганлар, сени "қора" қилиб, шаҳарга келадиганлар қанча. Сен бўлсанг, тарвузинг қўлтиғингдан тушиб, ўтиришингни қара! Тур, нима қилиб ўтирибсан хаёл суриб, ҳали қанча қиладиган ишларинг бор, кеча бошлаган ишингни тугатишинг керак!

Бир хаёлинг озроқ дам олишни истайди, чарчагансан. "Дам ол, сен ҳам одамсан", дейди ичингда биров. Шундай пайтда одам бўлгинг келмай қолади. Қуш бўлгинг келади. Қуш бўлиб учгинг келади баланд-баландларга. Қанотларингни ёзганингча олис манзилларга интиласан. Лекин "учиб" кетаётганингда нима биландир "отиб" ерга тушириш пайида бўлишади пастдагилар. Бировга ёмонлигинг йўқ. Аммо уларга ёмонлигинг бўлмасаям сени тинч қўйишмайди-я, нимагадир.

Озод руҳингни чангалига олади, қафасга ташлайди ташвишлар. Хаёлинг еттинчи фалакда учиб юрса ҳам, оёғинг ердан узилолмайди, вужудинг қафасдан қутулолмайди. Ўзинг билиб-билмай тутқунликка тушиб қоласан тузоққа илинган қушга ўхшаб. Турмуш икир-чикирлари ўргимчак тўридан ҳам баттарроқ темир тўрдек оёқ-қўлингни боғлаб қўяди. Темир одамдан, роботдан фарқинг қолмайди. Бўзчининг мокисидай айланаверади фасллар. Қиш ўрнини баҳорга, баҳор эса ёзга, ёз хазонрезги кузга, куз эса яна қаҳратон қишга бўшатиб беради. Ҳашпаш дегунча, умрнинг баҳори ўтади-кетади. Сочингга оқ оралайди. Энди тушларингда қуш бўлиб учасан. Ўнгингда эса замондошинг, яхши кўрган шоиринг Усмон Азим шундай ёзади: "Тангрим, ўтинаман, қуш қилиб ярат! Ерга қўнмайдиган қушлар бормикин?.."

Сен эса яна қуш бўлишни орзу қилаверасан.

* * *

Кимдир арзимас нарса учун виждонини сотади. Қадрини оёқ ости қилади. Ўтирган курсисини жонидан ортиқ кўрадиганлар қанча. Қўлидан бир иш келмай, Худо суйган инсонларнинг оёғидан чалишга уринадиганлар, қоқилишини пойлаб турганлар камми? Кимлардир оёғи билан эмас, тили билан юради.

Биров топиб, биров қопиб гапиради. Осмонда юлдузлар қанча кўп бўлса, дунёдаги яхшиёмон феълли одамлар ҳам шунча. Бирининг меҳри ёп-ёруғ, бири бемеҳр — юзу кўзи ҳам нурсиз. Эътибор бериб қарасангиз, ҳаётда ҳеч бир нарса беҳикмат яралмаган. Садақа сўраб турган ҳар тўрт одамдан

иккитаси муҳтожлик важидан, қолган иккитаси эса шу юмуш қисматига "битилган" касб-кор бўлганидан бу ишни қилади. Бир хил одамлар "тирикчилик" важидан "юлғич"лик қилади. Бермаганингизга қўймайди, уларнинг юрагиям ошқозонга айланиб кетган, ошқозони ошқозон эмас, дошқозон. Ўзи тўйсаям, кўзи тўймайди. Иккинчи тоифадагилар номусли "тиланчи"лардир. Қўлини дуога очган, ибодатдан ҳаловат топганлар сафидир. Бандасидан сўраганлар адашади, қаттиқ адашади. Сарвари оламнинг Ўзидан сўраганлар эса озидан қаноат, кўпидан барака топадилар.

* * *

Ишхонангга саксонни қоралаб қолган бир чол дардини айтиб келади: "Икки ўғлим, уч қизим бор... ўз уйимга сиғмай қолдим қариганимда... Болам, сентябрдан бери ЗАГСда қоровулман, қишда шу ерда жон сақлаб турибман. Яқинда шамоллаб, даволаниб чиқдим. Бегоналар хабар олишди, ўзимникилар...

Алам қиларкан одамга, ҳар бир гувалагига пешона терингни қориб қурган уйингда тинч қўйишмаса. Ўша уйларни ёқиб қутулмасам, аламимдан чиқмайман...". Шикоят хати. Тегишли жойларга бир-иккита телефон қўнғироғи. Муаммо ҳал бўлганга ўхшайди, лекин... Совуқ кунда кўчада қолган, чопони тўзғиган, мадори тугаган ота, иссиқ уйда оёғини узатиб телевизор кўриб ётган ўғиллар кўз олдингдан кетмайди...

Сабоқ

Бир ҳақиқат шу: ҳаёт катта мактаб экан. Оладиган сабоғимиз чала бўлмасин сира! Иллат излаганга иллат бу дунё... Ғурбат излаганга ғурбат бу дунё... Ҳикмат излаганга ҳикмат бу дунё!

Узун-узун ўйларимдан бир ҳикмат топаман:
Озига қаноат, борига шукр —
Бахтли яшамоқнинг тилсими шудир.
Ҳаётга ибрат кўзи билан боққан ҳар бир одам — донишманд.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА.

Кейинги йилларда юртимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур соҳага эътибори туфайли ижобий натижаларга эришиляпти. Жойларда бу борада махсус дастур асосида режали ишлар амалга оширилаётир. Яқинда Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 15-умумтаълим мактабида Ёшлар йилига бағишлаб ўтказилган спорт мусобақаларини ҳам мана шундай хайрли ишларнинг узвий давоми дейиш мумкин.

ТАНИНГ СОҒ — ВАҚТИНГ ЧОҒ

Спорт

Вилоят "Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси" ташаббуси билан ўтказилган мусобақаларнинг очилиш тантанасида жамғарма раиси Ўткир Рашидов, туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Каримжон Орзиқулов, туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакили Асқар Тешабоевлар сўзга чиқишди.

Шу куни мактабгача таълим муассасалари жамоалари ўртасида "Соғломжон-полвонжон" мусобақалари ҳам ўтказилди. Мусобақада фаол қатнашган 14-мактабгача таълим муассасаси ғолибликни қўлга киритди. 15-мактабгача таълим муассасаси иккинчи, 36-боғча тарбияланувчилари эса 3-ўрин соҳиби бўлишди.

Шахмат ва шашка мусобақаларида мактаб ўқувчилари қатнашдилар. Шу куни стол тенниси ва баскетбол ишқибозлари ҳам куч синашдилар. Мусобақаларда оилавий жамоалар ҳам иштирок этди. "Ёш оила" дастури асосида 1-ўрин Анварбековлар оиласига, 2-ўрин Абдураимовлар, 3-ўрин эса Ғуломовлар оиласига насиб этди. Айниқса, "Ота-она ва бола" шиори остида бўлиб ўтган мусобақалар қизиқарли ўтди. Унда ҳар томонлама чаққон ва абжир деб топилган Бегматовлар оиласи ғолибликни қўлга киритди.

Тадбир сўнгида ғолиблар эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланди.

— Ёшлар йилида бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туришни режалаштирганмиз, — деди "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси Йўлдош Мусаев. — Бугун мусобақа ғолиблари танловнинг вилоят босқичига йўлланма олишди. Танинг соғ — вақтинг чоғ, дейдилар. Спорт билан шуғулланган одам соғлом ва бақувват бўлади. Биз учун муҳими — ёш авлоднинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғломлиги.

Гули ОЛИМОВА.
Суратда: мусобақадан лавҳа.

Баҳор келса, гулгун қизлар хуснидан ранг оладур,
Қизлар кулса, баҳор нақшин борлиқ узра ёзадур.
Не ажабким, гул қиёси топса баҳра қувонгдан,
Турфа гуллар қиз бағрида тароватдан тозадур.

Азамат АҲМАД олган сурат.

АЁЛЛАР АВТОРАЛЛИДА КУЧ СИНАШДИ

Наврўз байрами арафасида Навоий шаҳрида "Автоолам маликаси – 2008" мусобақаси ўтказилди.

Бундан кўзда тутилган мақсад хотин-қизлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларига қизиқишни янада ошириш, йўлларда автотранспорт воситаларида содир бўладиган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уларни оммалаштиришдан иборат эди.

Қизғин ўтган беллашувда жами 30 нафар аёл иштирок этди. Натижаларга кўра, "Пахтабанк"нинг Кармана тумани филиали бошқарувчиси Моҳира Шарипова биринчи, мазкур туманда истиқомат қилаётган уй бекаси Насиба Шодиева иккинчи, вилоят Маънавият тарғибот маркази бўлими мудираси Моҳира Шокирова эса учинчи ўринни эгаллади. Энг юқори кўрсатгич соҳибаси танлов ғолиби сифатида мусобақанинг республика босқичига йўлланма олди. Шундай қилиб, аёллар нафақат жамоат ишларида фаол, балки улар автомобилларни тўғри ҳамда аниқ бошқаришда ҳам эркаклардан қолишмаслигини ўз қобилият ва маҳоратларини синовдан ўтказиш орқали исботлашди.

Дилбар РАЗЗОҚОВА.

Жаҳон ҳафта ичида

БУРЖАНАДЗЕ ИСТЕЪФОГА ЧИҚМОҚЧИМИ?

Грузия парламенти спикери Нино Буржанадзе истеъфога чиқмоқчи. Бу ҳақда Тбилисининг "Резонанс" газетаси хабар тарқатди.

Ўз навбатида газета тарқатган маълумот парламент томонидан тасдиқланмаганлигини ҳам таъкидлаш ўринли.

Буржанадзенинг истеъфога чиқарилиши мухолифат томонидан қўйилаётган асосий талаблардан бири саналади. Маълумки, очлик эълон қилган мухолифат вакиллари 10 мартдан буён парламент спикерининг қабулхонасини тарк этишмаяпти. Газета тарқатган маълумотларга кўра, очлик эълон қилганларнинг аҳволи оғирлашиб бормоқда.

ОЛИМПИАДА МАШЪАЛАСИ ЁҚИЛДИ

Хитойда ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларининг энг муҳим тадбирларидан бири Олимпиада машъаласини олов олдириш маросими бўлиб ўтди. Машъалани аланга олдириш шарафи грециялик актриса Мария Навплиотуга насиб қилди.

Анъанага мувофиқ, машъала Грециядаги Пелопоннес оролида ёқилди. Машъалани ёқиш мавжуд анъанага кўра амалга оширилди. Бу сафар олимпиада машъаласи узоқ йўл босиши кутилмоқда. Режага биноан у 130 кун давомида 137 минг километр масофани босиб ўтади. Бу орада машъала 135 шаҳарга ташриф буюради, Ҳимолай чўққисига кўтарилади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ЁНИБ ТУРГАЙ ТОКИ УМР ЧИРОҒИ...

Инсонга хос барча фазилатларнинг энг муҳим ва энг олижаноби — ақл.

Г. МАБЛИ.

* * *

Суқротнинг донолиги шунда эдики, у билмаганини билдим деб ўйламасди.

ЦИЦЕРОН.

* * *

Ўзини билимдон дейдиган нодондан қоч.

ҚОБУС.

* * *

Кўпни билган эмас, керакни билган доно.

ЭСХИЛ.

* * *

Жаҳолат инсондан ҳеч бир меҳнат талаб қилмайдиган бекорчи ҳаракатдир, шунинг учун жоҳиллар беҳисоб.

Ж. ЛАБРЮЙЕР.

* * *

Сиз нимани тушунмасангиз, у сизга бегона.

И. ГЁТЕ.

Тафаккур гулшани

Ўз ожизлигини тан олиш билан инсон янада бақувватланади.

О. БАЛЬЗАК.

* * *

Камтар бўлиш яхши, лекин совуққон бўлиш ярамайди.

Ф. ВОЛЬТЕР.

* * *

Тузатиб бўлмайдиган майда хатолардан йирик иллатларга ўтиш осон.

СЕНЕКА.

* * *

Энг катта хато одам ўзини ҳамма нарсада бенуқсон деб ҳисоблашидадир.

Т. КОРЛЕЙЛЬ.

* * *

Бошқаларга туҳмат қилиб шивирлайдиган одамни уйингдан ҳайдаб чиқар.

ФАЛЕС.

* * *

Гар сен ўзгаларнинг қайғусига лоқайд қарасанг, инсон деган номга нолойиқсан.

САЪДИЙ.

Тўпловчи М. ҒАФУРОВ.

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Алибия-ар» масъулияти чекланган жамияти ўз Устав жамғармасини 3 000 000 сўмдан 100 000 сўмгача камайтиришини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «AL ZAFAR SERVIS ARMSTRONG» масъулияти чекланган жамияти ўз Устав жамғармасини 3 260848 сўмдан 1 600 000 сўмгача камайтиришини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман ҳокимлиги томонидан 2007 йил 12 июлда рўйхатдан ўтган ва Чўпонота кўчаси 23-уйда жойлашган «TOJINO-PROFIL» (ИНН 300509883) хусусий корхонаси тугатилади.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «Imkon Optima Вахт» масъулияти чекланган жамияти Устав жамғармасини дебитор ва кредиторларга 2536936000 сўмдан 1844.775.000 сўмгача камайтиришини маълум қилади.
Даъволар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Чилонзор тумани 10-мавзе, Фарҳод ва С.Юсупов кўчалари кесишган жой.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "Чилонзор" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси таъсисчиси ўзгарганлигини маълум қилади.
Даъволар юзасидан икки ой давомида қуйидаги телефонларга мурожаат қилиш мумкин: 111-05-60; 701-08-53.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш — ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТА — MILLIY TIKLANISH

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.
E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй*

® - *Тижорат материали*

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти 22.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 223.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2848
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5

Босишга топширилди — 23.30